O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 7-yanvar, 2009-yil • №2 (608) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.hurriyat.uz

БОЛАНГИЗНИНГ ҚИЗИҚИШИ СЎНМАСИН



Шу пайт юзингизга беихтиёр табассум югурганини, фикрингиз ўз-ўзидан теранлашиб бораётганини сезиб қоласиз. Чунки у сизнинг ақлингиз етмайдиган нарсалар ҳақида ўйлайди, сизни саволлар билан қийнаб юборади.

⇨ 3-бет

МАШРАБ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ТАЛҚИНИДА

Шоир ҳаёти, фаолияти, у қолдирган илмий мерос ҳақида ўз замонасида ва бугунги кунгача жуда кўп ижодкорлар, олимлар, тадқиқотчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Айниқса, мустақилликдан сўнг Машраб ҳақида олимлар унинг мураккаб ҳаёт йўли, ижоди ҳақида холисона фикрини айта олди.

⇨ 7-бет

ОҲ, БУЮК ТИЛСИМГА КЕЛТИРМАГИЛ ШАК

Гарчи хосият йўқ ҳар хил иримда,
Мен сени ўйладим муқаддас Римда.

Митти бир инсонсан, жуда кичиксан,
Мининг ҳаётимга лекин шериксан.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **Шу йилнинг 6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига юборилган янги йил табригида Россия Федерацияси Президенти Д.Медведев ўтган 2008 йил Ўзбекистон ва Россия муносабатларининг стратегик ҳамкорлик ҳамда иттифоқчилик асосларида янада мустаҳкамланганлиги билан алоҳида ўрин тутганлигини чуқур эҳтиром билан қайд этди.

- **2009 йилнинг 1 январидан Ўзбекистоннинг Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кучга кирди. Эслатиб ўтамиз, ушбу Солиқ кодекси 2008 йилнинг 1 январидан амалда эди. 2008 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Солиқ кодексининг 79 та моддасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга имзо чекди.**

- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) қатнашчилари бўлган давлат раҳбарлари саммити шу йил ёзида Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилади. Саммитнинг ташкилий ишлари учун Россия ҳукумати давлат бюджетидан 3,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.
Саммит ишида Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарлари қатнашадилар.

- **Лондон шаҳри марказидаги Қироллик мусиқа академиясида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ёш мусиқачиларининг "Equipes de Sogdiana — 2" ("Сўғдиёна гуруҳлари — 2") деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган ҳамда таниқли санъат арбоби Накако Ватанабе хоним ижрочи продюсери бўлган ушбу тадбирда Британиянинг расмий, маданий жамоатчилик ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди. Дастурда Ўзбекистондан уч нафар пианиночи — ака-ука Нурон ва Науфал Муқимий ҳамда Нафис Умарқулова иштирок этишди.**

2009 ЙИЛ ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

Бугуни ойдин, эртаси нурафшон юрт

Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ. Шу боис қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, аграр соҳа ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кундаги энг долзарб вазифадир.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кириб келаётган 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилар экан, юқоридаги фикрларга алоҳида тўхталди. Бу борада ишлаб чиқилажак махсус давлат дастурида, аввало, қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, айни пайтда қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва маҳаллийлаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш йўналишида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ишларимизни янада жадаллаштириш, қишлоқ ҳаётининг даражаси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият берилишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)

МУЛОҲАЗА

Сиз ўзи кимсиз, қадрли журналист?

Яқинда журналист дўстларимиздан бири шундай деб қолди: "Айрим ҳамкасбларимиз оддий мақолада айтолмаган гапини кичик бир ҳикояда бўлса ҳам айтишмоқда. Журналистлар ёзувчиликка уриб кетишяпти..."



Дўстимизнинг бу гапида бугунги кунда турли-туман газеталарда чоп этилаётган олди-қочди ҳикояларга нисбатан беозоргина пичинг ётганини тушунсам-да, аммо унинг замирида жиддий масала турганини англаб қолдим. Сирасини айтганда, мен баъзи журналистларимизнинг ёзувчиликка даъво қилишаётганига қарши эмасман. Бадиий асар ёзиш қўлидан келса, қандини урсин (ҳолбуки, ҳамма ёзувчининг ҳам қўлида қанд йўқ), шон-шуҳратга бурксин. Мени ушбу "пичинг" қатидаги бошқа бир қатимлар, бошқа бир жиҳатлар қизиқтириб қолди. Бу ўша журналист жаноблари нинг ўзи. "Сиз ўзи кимсиз — жаноб журналист?" деб ўз-ўзимга савол бергим келди.

Бу саволдан сўнг бирор-бир ҳамкасбим "Ёқубжон ака, агар сиз журналистнинг кимлигини, унинг қандай олижаноб касб эгаси эканини билмасангиз, биз биламиз. Болаларга хос бундай саволингизни қўйинг, одамнинг ғашини келтирманг", дейиши мумкин. Начора! Агар журналистнинг ким эканини сиз билсангиз, билгандирсиз, аммо жуда кўпчилигимиз, жумладан, мен ҳам яхши билмайдиганга ўхшайман. Буни наинки, собиқ иттифоқ даврида чоп этилган, балки шу бугун ҳам газеталардаги кўплаб мақолалар аниқ айтиб турибди. Демоқчиманки, ҳали биз давр талаб қилаётган даражада ижод қилаяпмизми?

Шу ўринда дунё матбуоти тарихи ҳақида қисқача сўз: Европада, жумладан, Россияда ҳам матбуот тарихи жуда қадим. Масалан, тарихнинг гувоҳлик беришича, инглиз журналистикасининг қизғин даври Англияда эмас, балки Шотландияда кечган. Инглиз журналистикасининг маркази Лондон эмас, Эдинбург эди. Зотан, улар инглиз журналлари, инглиз журналистикаси саналса-да, инглиз журналистлари шотланд журналистларидан ибрат олган.

Тоғу тошдан иборат бўлган кичкина мамлакатда бундай катта жасорат, иқтидор қаердан пайдо бўлган? Бунинг сабаблари жуда кўп бўлиши мумкин.

Маълумки, Туркистонда ҳам газетачилик тарихи XIX асрнинг 70-йилларидан бошланади. "Туркистонда даврий матбуот аслида жадидлардан илгарироқ, 1870 йилда пайдо бўлди ва у ўлкага кириб келган Русия ҳукуматининг ҳарбий-истилочилик сиёсатига хизмат қилди, — деган эди марҳум устозимиз, филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Бегали Қосимов. — Тарихи қуйидагича эди: 1867 йил 14 июлда Тошкентда Туркистон ҳарбий округи штаби қошида ҳарбий ҳужжатларни лозим нусхада кўпайтириш мақсадида босмахона ташкил қилинади. 1868 йили уни ўртача ҳажмдаги китоб чиқаришга мослаштирадилар. 1869 йили ҳарбий вазир Д.А.Малютин "Туркистанские ведомости" газетасини чиқаришга рухсат беради. Шу тариқа, 1870 йилнинг 28 апрели (янги ҳисобда 10 май)дан эътиборан Тошкентда рус тилида газета чиқа бошлайди...

(Давоми 2-бетда)

ЭЪТИРОФ

Йилнинг энг ўқишли мақолалари

ёки айрим марказий газеталарда ўтган 2008 йил давомида эълон қилинган мақолаларга бир назар

Янги ва эски йил оралиғидаги лаҳзаларда умр деганлари ҳам кўпкаридай гап эканлигига амин бўлади киши. Улоқни ким илиб кетса, ўша чинакам яшаш сирини билади, ўша ғолиб! Аммо ортга қараб, босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилишнинг-да кейинги зафарларга кўмаги бисёр. Хўш, "матбуот бозори" деган тушунча пайдо бўлаётган бугунги даврда кўпчилик томонидан "жиддий газеталар" дея эътироф этиладиган нашрларда ўтган йил давомида қандай салмоқли, газетхон ёдидан кўтарилмайдиган мақолалар чоп этилди? Бу ҳақда энг ишончли жавобни муштарийнинг ўзи беради. Шу маънода биз ҳам матбуот вакиллари ва бошқа турли касб эгалари бўлган бир нечта юртдошларимизга мурожаат қилдик:

Шуҳрат ЖАББОРОВ, "Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррир ўринбосари:

— Журналист ҳар бир тайёрлаётган мақоласи газетхонга маъқул бўлишини ўйлайди, лекин олтин сатрлар ҳамиша ҳам ёзилавермайди. Айтайлик, тўқсон дақиқа давом этган футбол баҳсида тўқсонта гол урилмайди-ку. Ярқ этиб кўзга ташланишнинг ҳам вақти-соати бўлади.

Шу маънода 2008 йил мобайнида ёдимда муҳрланган мақолалар қуйидагилар:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Михли Сафаровнинг атоқли ўзбек тилшуноси, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Шавкат Раҳматуллаев билан "Тил — халқнинг бойлиги, борлиғи" ("Халқ сўзи", 21 октябрь) сарлавҳали суҳбати ёдимда қолди. Уни ўқиганда руҳингиз тиниқлашади, қалбингизда ғурур жўш уради.

"Моҳият" газетасининг 1 февраль сонида Абдураззоқ Каримовнинг "Томорқа — том орқаси бўлмасин" мақоласи менга жуда манзур бўлди. Назаримда, Ўзбекистонда ҳали томорқа масаласида Юртбошимизнинг буюк хизматларини етарли ёритиб берологанимиз йўқ.

2 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Россия—Украина:

газ можаролари

XXI аср нафақат ахборот асри, балки энергия манбалари учун кураш асрига ҳам айланиб бўлди. Газ, электр энергияси, нефть нархи йилдан-йилга кўтарилиб бораяпти. Тўғри, дунёдаги глобал иқтисодий инқироз туфайли нефть баҳоси сўнгги уч-тўрт ойда анча пастлади. Лекин бу мунтазам давом этишига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Экспертларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда газга талаб анча ортган. Бундан буён ҳам шу жараён давом этиши кутилаяпти. Маълумотларга қараганда, дунё бўйича газ истеъмол қилиш сўнгги ўн йилда 42,3 фоизга ўсган. Бу табиий ёнилғини кўп истемол қиладиган давлатлар сафига Европа мамлакатларини киритиш мумкин. Лекин бу ерда газ заҳираларининг жуда кам. Шу боис, улар ўзларига керак газнинг салкам ярмини хориждан харид қилаяпти. Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, яна 20 йилдан сўнг кўҳна қитъа мамлакатлари истеъмол қилаётган газининг 80 фоизини четдан сотиб олишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам газ муаммосига боғлиқ ҳар қандай масалани европаликлар диққат билан кузатадилар.

5 »

ТААССУФ

Устомон кўчирмакашлар

Барча мулклар каби интеллектуал мулк ҳам мутлақо дахлсиз ва қонун йўли билан муҳофаза этилади. Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига асосан, муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга. Юридик ва жисмоний шахслар асардан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин. Аммо бу қонунни талабаларга илм ва адаб ўргатиши лозим бўлган олим бузса, бунга қандай баҳо бериш мумкин?

Келинг, тушунарлироқ бўлиши учун ҳаммасини бир бошидан бошлай қолайлик. 2004 йилда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан Д.Э.Эшимов, Р.Ф.Рўзиқулов, З.Т.Ражамуродовларнинг касб-ҳунар коллежларининг талабалари учун "Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси" деб номланган амалий-лаборатория машғулотлари ўқув қўлланмаси чоп этилган. Адади 1260 дона бўлган бу китоб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти томонидан босишга рухсат этилган бўлиб, унга Самарқанд қишлоқ хўжалик коллежи директори ўринбосари, биология фанлари номзоди, доцент А.Жабборов ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги лицей-интернатнинг биология фани ўқитувчиси Т.К.Мамадалиевалар тақризчи сифатида ўз фикрларини билдиришган.

Таълим стандартларига тўлиқ жавоб берадиган мазкур қўлланма минглаб талабалар учун чоп этилган бошқа китоблар каби зарур восита бўлган бир пайтда, кутилмаган антиқа воқеа юз берди.

3 »

ТАФАККУР

Инсон қалби буюк

- *Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга киритиши мумкин.*

Ибн СИНО

- *Уйланасанми, уйланмайсанми — барибир пушаймон ейсан.*

СУҚРОТ

- *Эзгулик адолатсизлик қилмасликкина эмас, уни истамаслик ҳамдир.*
- *Ўзида йўқ нарсалар учун ғам чекмайдиган, боридан қувонадиганлар ақлли кишилардир.*

ДЕМОКРИТ

- *Ошна-оғайнилари мўл одамнинг дўсти йўқ.*

АРАСТУ

- *Йиқилганни турғизмоқ учунгина эгил.*

ЭПИКУР

- *Манманликдан ортиқ адабсизлик бўлмайди.*

ЗЕНОН

- *Инсон қалби буюк ва бепоёндир. У чегара билмайди.*
- *Баъзи ёзилмаган қонунлар ёзилганларидан кучлироқдир.*

СЕНЕКА

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Йилнинг энг ўқишли мақолалари

(Бошланиши 1-бетда)

Шу газетада Тўлқин Ҳайитнинг "Юртимнинг бой одамлари" мақоласидан ҳам анчамунча янги фикрлар ўқидим.

"Туркистон" газетаси саҳифаларида Наргиза Умарованинг "27 ёшда илк кашфиёт", "Дунё олимлари бизга ҳавас билан қарашади" каби туркум мақолаларини Ёшлар йилида шу мавзуда ёзилган энг мароқли чиқишлар сафига қўйиш мумкин.

Жамила УБАЙДУЛЛАЕВА, ўқитувчи:

— Республикамизда чоп этилаётган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "XXI аср", "Ўзбекистон овози" газеталари ва "Тафаккур" журналини доимий кузатиб бораман. Ўтган йилда ҳам бу нашрлар муштарийларини бир қанча яхши мақолалар билан сийлади. Мисол учун, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да эълон қилинган адабиётшунос олима Суйима Ғаниеванинг бобурийлар даврида ижод қилган шоиралар ҳақидаги таҳлилий мақоласини мароқ билан ўқидим. Унда мени анчадан бери ўйлантириб юрган баъзи фикрлар асосли далиллар билан таҳлил этилган. "Ўзбекистон овози" газетасининг ўтган йил июль ойида чоп этилган "Халоскор куч ёхуд маънавий оламни асраш қайғуси" деб номланган мақола ҳам бефарқ қолдирмади.

Дилфуза ШОМАЛИКОВА, "Гунча" журнали бош муҳаррири:

— Ўтган 2008 йилда газета ва журналларда чоп этилган мақолаларнинг хотирамда қолгани ҳақида сўз юритадиган бўлсам, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ҳамда "Гулхан" журналида эълон қилинган Эшқобил Шукурнинг "Фикр кўчада ётмайди" мақоласини алоҳида эътироф этишим зарур. Уни бир неча марта худди яхши бир асар мутолаа қилган каби ўқиб чиқдим. Мавзунинг муҳимлиги, муаллиф мулоҳазаларининг кўлами кенглиги менга маъқул бўлди. "Хуррият" газетасида чоп этилган Азим Рўзиевнинг "Миллий мультфильмларни қачон кўрамиз?" деб номланган мақоласи эса таҳлилнинг чуқурлиги, эл дилидаги гапни айта олгани боис муштарийларнинг кўпчилиги учун ўқишли мақола бўлгани аниқ.

Сирожиддин МАМАЖОНОВ, журналист:

— Ўтган йил давомида менга манзур бўлган мақолалардан бири "Жамият" газетасида журналист Жасур Кенгбоевнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири, ёзувчи Эркин Аъзам билан суҳбати бўлди. "Хуррият"да таниқли ёзувчи Назар Эшонқул билан қилинган суҳбат ҳам жуда ёқди. Тўғриси, адабиётга доир бундай данғал фикрларни анчадан бери ўқимаган эдим.

Аҳмад ОТАБОЕВ, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бўлим мудири:

— Газеталар янгиланишга, ҳаётнинг янги жиҳатларини очишга уринаётгани бир газетхон сифатида мени хушнуд қилади. Ишим ва фаолиятим тақозоси туфайли бошқа газеталарда эълон этилган адабиёт, маданият, тарихга доир мақолаларни илож борича топиб ўқишга уринаман. Бу ўринда мен ўтган йил бошида "Маърифат" газетасида эълон этилган ёш истеъдодли журналист Жалолиддин Саъдиновнинг "Турон тулпори" (Жалолиддин Мангуберди ҳақида) деган туркум мақоласини эслатишни лозим топаман. Ёки улуғ бобокалонимиз Бобур ҳақида "Башарият юлдузлари" рукнида берилган адабиётшунос Ваҳоб Раҳмоновнинг давомли мақолалари, Султонмурод Олимнинг "Хазина" деб аталган мақоласини ёдимда қоладиган, мени мушоҳадага чорлаган материаллар сирасига киритишим мумкин.

Акимжон АДИЗОВ, "Правда Востока" газетаси бош муҳаррири ўринбосари:

— Ўтган йил республикамизда чоп этиладаган "Учитель Узбекистана", "Правда Востока", "Молодежь Узбекистана" каби газеталарда ҳам бир қатор салмоқли мақолалар чоп этилди. Ана шундай материаллар сирасига Ирина Рибарнинг "Но разве сердце позабудеть того, кто нас выводит в люде" ("Правда Востока"), Акида Абдуминова ва Полина Людиналарнинг "Прямой провод задайте свой вопрос" ("Молодежь Узбекистана"), Наргис Косимованинг "Твердая поступь молодых специалистов" "(Учитель Узбекистана") сарлавҳали мақолаларни қўшган бўлардим. Ўйлашимча, менда чуқур таассурот қолдирган бу мақолалар бошқа муштарийларни ҳам бефарқ қолдирмаган бўлса керак.

> *Гувоҳи бўлганингиздек, газетхон яхши мақолани унутмайди, аммо уларнинг сони саноқли эканлиги бизни бироз ўйлантириб қўйди. Албатта, мамлакатимизнинг бошқа кўпгина нашрларида ҳам эсда қоларли чиқишлар бўлганига шубҳа йўқ. Уларнинг барини санаш ё таҳлил этиш фикрида ҳам эмасмиз. Энг муҳими, газетхоннинг кўнгил мулкидан жой олган мақолаларнинг йўқ эмаслиги қувонарли. Шундай экан, 2009 йилда газетхон йиллар давомида эслаб юрадиган мақолаларнинг нафақат сони, балки салмоғининг-да ортишига умид қиламиз.*

Ситора ТОЖИДДИНОВА ёзиб олди.

Бугуни ойдин, эртаси нурафшон юрт

(Бошланиши 1-бетда)

...Қишлоқ деганда беихтиёр кўз ўнгимизда мафтункор қиру адирлар, далалару боғлар, шарқираб оқаётган ариқлар, маҳаллий иқлимнинг шарт-шароити аниқ ҳисобга олиниб қурилган уйлар, қариялар гурунги учун қилинган супалар, симёғоч тепасида осилиб турадиган карнай, сал берида битта сартарошхона, нарироқда аралаш моллар сотиладиган дўкон, бир қаватли мактаб, энг муҳими, самимий одамлар, кўча чангитаётган беғубор болалар намоён бўлади.

Тараққий этган ва фаровон қишлоқ деганда эса бепоён ғаллазорларда шовқин чиқармасдан ҳаракатланаётган "Класс" комбайнлари, шийпонига "Нексия"сини қўйиб, дала айланаётган фермер, сут маҳсулотларини қайта ишловчи мини заводидан олинган даромад эвазига мева-сабзавот консерваси ёхуд кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган ускуна хариди учун уяли телефонда ўз ҳамкорлари билан музокара қилаётган тадбиркор, равон кўчалар, асфальт йўллар ёнбошидан тортилган табиий газ ва ичимлик суви қувурлари, азим чинор тагида атрофига гуллар экилган фусункор чойхона, компьютер хоналари, Интернет тармоғига уланган муҳташам лицей ва коллежлар, кўзни қувонтирадиган спорт залларига эга шинам мактаблар, малакали мутахассислар билан таъминланган кенг ва ёруғ қишлоқ врачлик пункти, сал берида гўзаллик салони ва маҳсулот турига қараб хизмат кўрсатадиган алоҳида дўконлар, турли тўловлар учун узоғингизни яқин қиладиган мини банклар...

Бир қишлоқнинг икки хил манзараси хаёлингизда гавдаланган табиий. Аслида ҳам шундай. Дастлабки чизгилар бундан 10-15 йил бурунги кўринишни акс эттирган бўлса, кейингиси бугунги қишлоғимизнинг сурати ва сийратидир. Қисқа вақт ичида бунчалик ўзгаришга эришилганининг сабаби эса мамлакатимиздаги кенг кўламли ва изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларидир.

Ислоҳот ҳақида гапирганда, юртимизда яшаётган каттаю кичик бир ҳақиқатни тобора теранроқ англаб олаётгани жуда муҳим: ҳар қандай ўзгариш инсон манфаатларини кўзлаб, аҳолининг ҳаёт даражасини кўтариш учун амалга оширилади. Ислоҳот самараси эса одамлар ҳаётидаги, онгидаги ўзгаришлар мезонида баҳоланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллик билан босқичма-босқичлик тамойилига асосланганини нафақат жамоатчилик, балки халқаро эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам эътироф этмоқда. Бошқалар намуна сифатида ўрганаётган бу жараён – том маънодаги ислоҳотларнинг дебочаси аслида қишлоқдан бошланган, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, ҳали мустақилликка эришмасдан олдин, собиқ марказнинг фақат пахта хомашёсини кўпайтириш бўйича қайта-қайта берилаётган кўрсатмаларига қарамасдан, асосан ғўза экиладиган майдонлар ҳисобидан қишлоқ аҳлига томорқа ажратилгани чинакам ислоҳот, таъбир жоиз бўлса, жуда катта шижоат ва мардликни талаб қиладиган фавқулодда ҳолат эди.

Ўша пайтдаги вазият қанчалик қалтис бўлишига қарамай, фақат Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати, ер деҳқонни боқади, деҳқон эса ҳаммамизни, деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи, деган эзгу даъватлар ила бошланган ислоҳотлар натижасида бугунги кунга келиб аграр соҳада улкан ютуқларга эришилди. Жумладан, қишлоқда хўжалик юритишнинг янгича шакллари кенг қўламда жорий этилиши туфайли деҳқонлар нафақат ўзи ишлаётган ернинг, балки шу ерда етиштиралаётган маҳсулотнинг ҳам эгаси эканлигини ҳис қилиб, янада кўпроқ даромад олиш учун изланадиган бўлди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш, касаначилик, аграр тармоқ ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган сервис соҳасини ривожлантиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга замин ҳозирлади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, энг аввало, дон етиштиришни кўпайтиришга қаратилган жиддий эътибор боис ғалла мустақиллигига эришганимиз, миннатсиз нонимизга эга бўлганимизнинг аҳамиятини бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи муттасил ошиб бораётган бир пайтда янада теранроқ англаймиз. Буларнинг бариси мустақил тараққиёт йўлимизни белгилаб берган беш тамойилдан бири – давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи сифатида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги намоёнидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш ва шу асосда экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президентимиз Фармонига кўра 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури ишлаб чиқилгани, Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилгани яқин келажакда ўзининг юксак самарасини беришига шак-шубҳа йўқ.

Бир сўз билан айтганда, ҳаммамиз учун қадрдон гўшамизнинг қиёфаси кундан-кунга чирой очмоқда. У эртага янада гўзаллашади. Боиси Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. Ана шу файзли гўшамиз, барака манбаимиз янада тараққий этса, элимиз бундан-да обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Озод РАЖАБОВ

300 ТА АВТОБУС КЕЛТИРИЛАДИ

Техник модернизациялаш лойиҳасига кўра, 2009 йилда «Mercedes Benz» русумидаги 300 автобус, жумладан Тошкент шаҳри учун 200 та ва вилоят марказлари учун 100 та автобус сотиб олинади.

Маълумки, ўтган йили Тошкент шаҳри учун 200 та «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумидаги автобуслари сотиб олинганди.

«Тошшаҳартрансхизмат» ассоциацияси маълумотларига қараганда, айни пайтда пойтахтимизда ассоциация томонидан 117 та шаҳар автобус маршрутлари, битта шаҳар яқинидаги маршрут, 36 та йўналишли маршрут таксилари, 7 та трамвай ҳамда 4 та троллейбус маршрутлари йўлга қўйилган. 3 та метрополитен йўналишларида эса 29 та станция орқали йўловчиларга хизмат кўрсатилмоқда.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

Сурхондарё вилояти ҳокими Туробжон Жўраев воҳада фаолият юритаётган вилоят, туман ҳамда республика ОАВ ходимлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда ҳар қайси соҳада мамлакатимиз ривожи ва юрт ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларнинг фидойи хизматларини халқимизга таништириш журналистлар олдида турган муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнгида республикамиз мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан вилоятда эълон қилинган "Меҳрим сенга, зеҳним сенга, Ватаним" кўрик-танловининг 12 нафар ғолибига матбуот, радио-телевидение ва интернет саҳифаларида эълон қилган энг яхши материаллари учун махсус пул мукофоти ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

"ОЛТИН ҚОПЛОН" МУКОФОТИ

Қўнғирот сода заводи халқаро мукофотга лойиқ топилиб, унга «Олтин қоплон» ҳайкалчаси топширилди.

Бу мукофот Европа бизнес ассамблеяси (Буюк Британия), Халқаро саноатчилар ва тадбиркорлар конгресси (Россия) ва Ишбилармон доиралар ассамблеяси томонидан таъсис этилган бўлиб, у фақат ўзининг сифатли, барча қатламдаги истеъмолчиларга манзур бўла олган маҳсулотлари билан дунё бозорига дадил кириб келаётган компанияларгагина топширилади.

Таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда Қўнғирот сода заводи маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Жумладан, тегишли идора ва муассасалар ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар ўтказилаяпти. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳридаги Бирлашган техник мактабда бўлиб ўтди.

Унда чақирув ёшидаги фуқаролар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бораётган юксак самаралар, ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган шароит ва жорий этилган имтиёзлар ҳамда 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль-март ойларида чақирилиб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитлар захирага март-апрель ойларида бўшатилиши ҳақида сўз юритилди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЯНГРОҚ СОЗЛАРИ

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган «Президент арчаси» тадбирига Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиб, юрт тинчлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари таклиф қилинди.

Вилоят қўғирчоқ театри томонидан саҳналаштирилган «Янги йилнинг янгроқ созлари» байрам томошаси бадиий ҳаваскорлик гуруҳларининг қизиқарли концерт дастурига уланиб кетди. Президент совғаларини олган болажонлар қалбидаги шод-хурамлик қўшиқларга, рақсларга кўчди.

Пўлат ГАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Сиз ўзи кимсиз, қадрли журналист?

(Бошланиши 1-бетда)

Ўзбек тилидаги илк газета ўша 1870 йилнинг ўзида "Туркистанские ведомости" бошланганидан сўнг орадан икки ой ўтгач, ушбу газетага илова сифатида чиқарила бошланди".

Кўриниб турибдики, Туркистонда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам газетачилик тарихи жуда узоқ ҳам, яқин ҳам эмас.

Ўзбек журналистикаси тарихида жамият ҳаётида чуқур из қолдирган бир қатор газеталар, ўнлаб журналлар мавжуд бўлган. Улар орасида, айниқса, "Садои Туркистон" (1914 йил, апрель), "Садои Фарғона", илк ўзбек газетаси сифатида тан олинган "Тараққий" (1906 йил, июнь) ва бошқа газеталар. Бу газеталарда Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Чўлпон каби Туркистон жадидчилигининг асосчилари ҳам муҳаррир, ҳам муаллиф сифатида бевосита қатнашганлар. Бу газеталарнинг ўша пайтда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида профессор Б.Қосимов шундай ёзади: **"Туркистон матбуот воситасида қардош, тилдош, миллатдош, диндош турк оламига чиқди. Улар билан ўз тақдирини бир кўрди, ўтмишнинг аччиқ тажрибаларидан сабоқ чиқаришга, келажак учун бир жон, бир тан бўлиб, курашиш зарурятига ишонч ҳосил қилди. "Таржимон", "Вақт", "Шўро", "Онг" каби Кавказ ва Волга бўйида чиқиб турган, чор ҳукуматининг мустамлакачилик тузумига қарши курашда катта тажрибага эга бўлган газета-журналлар Туркистон жадид матбуотининг оёққа туриб олишида ҳамкор ва ҳамдаст бўлдилар."**

Демак, ўзбек матбуоти ўз тарихининг бошланғич нуқталарида шунчаки номигагина газета ёки журнал бўлмаган. Ўзбек журналисти эса шунчаки газетачи бўлиб қолмаган. Профессор Бегали Қосимов таъкидлаганидек, Беҳбудийдан Чўлпонгача бўлган жадид адабиётининг барча вакиллари фикрларини ҳам, қаламларини ҳам мана шу илк газета-журналларимизда чархладилар.

Кейин-чи? Кейин қатағонлар, урушлар, яна қатағонлар, бир муддат эркин нафас олинган йиллар, қизил империянинг авж пардаси ва турғунлик йиллари... Ундан ҳам кейин эса ошкоралик, қайта қуриш йиллари ва сўнг орзиқиб кутилган мустақиллик!

Минг афсуски, шўролар даври ўзбек журналистикаси ҳақида гап кетганда, бу давр адабиётида бўлганидек, журналистикасида ҳам ноҳақ қонлар тўкилди. Айниқса, қатли ом даври ҳисобланган 30-50-йилларда бу ёзувчи ёки бу шоир ёки бу журналист, деб ўтиришмаган. Одамлар айтмаган гаплари, ёзмаган сўзлари учун қатл этилганлар ёки узоқ вақтга қамоққа тиқилган.

Ҳар қандай дарахтнинг узоқ яшаши, кўркам яшнаши, албатта, илдизидан. Илдизнинг ерга қай даражада узоқ кетишидан. Ўзбек шеъриятининг, ўзбек тарихнавислигининг, ўзбек назмининг илдизи чуқур бўлгани ҳолда, ўзбек журналистикасининг илдизи унча чуқур кетмаган эди ҳали. Сирасини айтганда, "қатли ом даври"да адабиёт билан журналистика, ҳикоя билан очерк, публицистика билан мақола ажраб улгурмаган эди. Газетада ҳикояси чиққан одам ҳам ёзувчи, хабари чиққан одам ҳам адабиётчи эди ҳали. Гарчи, ўша йилларнинг бошида Чўлпон ўзининг "Туркистонда матбуот" деб номланган мақоласида "Эски вақтларда: "Матбуот — еттинчи давлатдир", деррлар эди", дея ёзган бўлса-да!

Буни қарангки, Чўлпон давридаги "еттинчи давлат"нинг бугунга келиб бутун жаҳонда нуфузи ошди: тўртинчи давлат (ҳокимият деб ўқинг — Ё.Х.) бўлди. Бизнинг давримизда ҳам "тўртинчи ҳокимият" — яъни оммавий ахборот воситалари хусусида кўп гапирамиз. Айниқса, бу ҳокимиятнинг сон-саноқсиз даражада урчиб кетганини гапиришни ёқтирамиз. Аммо ўша кун сайин урчиб бораётган бу матбуотнинг ичи қанақа, илдизи қаергача боради, у қандай мевалар бераётгани хусусида кам гапирамиз ёки гапирсак ҳам, албатта кўпинча ижобий сифат билан гапирамиз. Айтайлик, шўролар даврида "тўртинчи ҳокимият" етти йилликлар, беш йилликларнинг авангарди бўлди. Саводсизликка қарши курашди, аммо бир ўн йилликда икки марта "алифбо" ўзгаришини маъқуллади. Катта миқёсдаги чўл ва саҳроларни ўзлаштириш Орол фожиасини келтириб чиқариши мумкинлигини билгани ҳолда, бу "ҳокимият"нинг ўзи чўлқуварлик қилди.

Шундай бўлса-да, мен ўрис журналисти Владимир Позернинг "Журналист ҳокимиятга мухолифатда бўлиши керак" деган фикрига қўшилмайман. Чунки бу фикрни менинг — Шарқ кишисининг табиати қабул қилмаслиги учун қўшилмайман.

Биз катталарни ҳурмат қилиш, уларнинг гапини икки қилмаслик, керак деган ақидалар руҳида тарбияланганмиз. Гарчи бу гаплар бугунги кунда бироз эскидай туюлса-да, аслида ундай эмас. Аслида, бу тарбия! У қон-қонимизга сингиб кетган. Ва бу албатта, яхшиликка хизмат қилади. Юртимизнинг тинчлиги, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кун сайин тараққийга юз тутаётгани, кўплаб йўл ва кўприклар қурилаётгани ҳам ана шу тарбия меваси бўлса не ажаб. Мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик бизнес, банк, биржа каби молиявий муассасаларнинг ва ижтимоий қатламларнинг таркиб топганига анча бўлди. Қишлоқда эса фермерлик томир отиб боряпти... Мен журналистларимиз юз бераётган бундай ижтимоий ўзгаришлар ҳақида ёзишмаяпти, демоқчи эмасман. Аксинча, ҳатто керагидан ортиқча даражада ёзишяпти, десам ўринли бўлади.

Аммо, гап бир устозимиз айтганларидек, қаламга олинган мавзунинг асл моҳиятига етиб боришда. Назаримда ана шунга келганда биз оқсаймиз. Бунинг ўз сабаблари бор. Жумладан, шўро мафкураси журналистни пропагандист, яъни ташвиқотчи, деб таърифлаган эди. Ва бу таърифга ҳалиҳанузгача амал қилиб келинмоқда. Бизнинг журналистларимиз информацияни — ахборотни битта — ягона манбадан олади ва ўша ягона манбанинг фикрини ташвиқот қилади. Ҳолбуки, жаҳон журналистикаси амалиётида бундай эмас. Ахборот бир неча манбалардан қайта текширилгандан кейингина эфирга ёки босмахонага берилади. Бизда эса битта ахборот, айтайлик, битта туман ё шаҳарда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг ўсиш даражаси ҳақидаги рақам бир марта эълон қилингач, унга бошқа ўзгартиш киритиб бўлмайди. Ҳолбуки, ишлаб чиқариш ҳам, деҳқончилик ҳам агар таъбир жоиз бўлса жонли механизмлардир.

Бунинг устига журналист фақат ўзи кўрган, билган, ҳис қилган воқеа-ҳодисаларнинг қуруқ шарҳи билангина кифоялана олмайди. Бунинг учун унга турли рақамлар, далил-исботлар, аниқ манбалар, суҳбатдошлар керак бўлади. Бундай далиллар, рақамлар, суҳбатлар эса кечирасизу... ҳамиша ҳам бўлавермайди. Рақам берадиган, далил-исбот келтирадиган, суҳбатдош бўладиган одамларнинг барчаси нимадандир, кимдандир ҳадиксирайди. Бу рақамни матбуотга бериб юборсам, эртага ишдан олиб ташлашади, танбеҳ эшитаман, дейди. Суҳбатдош ҳам юрагидагини эмас, чўнтагидаги гапни айтади. Ўзидан қўрқади. Нима қиламан яшириб, ушбу мулоҳазаларни ёзяпман-у, миямнинг бир чеккасида "Шуни ёзиб нима қилардим ўзимга ташвиш орттириб", деган фикр ивирсиб юрибди. Гарчи, ушбу мақолани бирон-бир газета ёки журнал босиб чиқаришига унча ишонқирамасам ҳам.

Аммо бундан анча йиллар олдин, нуфузли йиғилишларнинг бирида Юртбошимиз айрим мансабдорларнинг матбуотдан ўзини олиб қочиши ҳақида очиқ-ойдин ва куюниб гапирган эдилар. Хўш, нега улар матбуотга интервью беришдан бунча қўрқадилар. Чунки ўзларидаги билимсизликни яшириш учун. Ахир, микрофонга қараб бемалол халқ билан юзма-юз бўлиш учун ҳам кишининг тафаккур доираси кенг бўлиши керак... Бу фикрлар муҳтарам Президентимизнинг гаплари. Албатта, матбуотга ҳурмати баланд, бемалол суҳбат қурадиган раҳбарлар ҳам кўп. Аммо собиқ тузумдан қолган бир ёмон асорат ҳамон мавжуд: "Э, қўйинг ака, сизга интервью берсам, катталар нима дейди?" ёки: "Шу... кўринмай турайлик, бошга ғавғо ёғилмасин." Бу ҳол нимани келтириб чиқаради. Ўзўзидан жамоатчиликдан қочишни, ўйлаган фикри ёки шахсий мулоҳазасини ҳам билдиришдан ҳайиқишни келтириб чиқаради. Шундай эмасми?

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирда муайян бир ахборот воситасида хизмат қилаётган журналистларимизнинг аксарияти ахборотни турли пресс-конференциялар, йиғилишлар муносабати билан тайёрланган ҳисоботлардан олишади, холос. Ана шундай шароитда фақат бир манбанинг ташвиқотчисига айланиб қолмасликдан ўзини сақлайдиган журналист камдан-кам топилади. Чунки яшаш керак. Бола-чақани боқиш керак. Бунинг учун бир жойда эмас, бир нечта газеталарда, радиода ҳамкорлик қилишга тўғри келади. Демак бир марта эмас, бир неча марта ташвиқотчилик қилиш керак...

Яна дилдаги бир гапни айтмоқчиман. Ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан Юртбошимиз соҳа аҳлига табрик йўллайди. Бу мамлакатимиз раҳбарининг матбуот вакилларига юксак эҳтиромидир.

Хусусан, 2007 йили Президентимизнинг матбуот ходимларига йўллаган табригида шундай жумлалар бор эди: **"Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда."**

Ҳа, бу улуғ эътироф ҳамкасбларимиз фаолиятига катта йўриқ бўлиши керак аслида. Аммо таассуф билан айтишим мумкинки, жасорат, "ўз принципларига эга бўлмоқ" айрим журналистларимизнинг "эсидан чиқиб" қолаётганга ўхшайди. Яна денг юртимизда матбуот ва ахборот олиш ҳақида қонунлар яратилган бўлса.

Албатта, журналист ҳам шу халқнинг фарзанди. Биз ушбу мақоламизда бежиз ўтган тарихимизда ёзилган айрим мақолалардан парчалар келтирмадик. Уларнинг таҳлилларига ўрин бериб, журналист ундай бўлиши керак, бундай бўлиши кераклиги хусусида тўхталмоқчи ҳам эмасмиз. Онгимизга ўрнашиб қолган — "сут билан кирган" ҳайбаракаллачилик, Абдулла Авлоний бобомиз кўп куюниб ёзган "журъатсизлик" ҳамон яшаб келар экан, тўғри адабиёт, тўғри журналистика ҳақида нима дейиш мумкин?

Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

САРҲИСОБ

Улкан ўзгаришлар палласи

Ўтган 2008 йил ҳам тарихга айланди. Ёшлар йили деб ном олган йилда юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айтиш жоизки, "Ёшлар йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Сурхондарё вилоятида ҳам бир қатор салмоқли ишлар бажарилди. Бу борада 91 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлангани ҳам сўзимиз исботидир.



Ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши, ақлий салоҳиятини ошириши учун яхши шароитлар яратиш мақсадида Термиз давлат университетининг янги биноси қурила бошланган бўлса, вилоятнинг шаҳар ва туманларида 11 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей биноси бунёд этилди. Шунингдек, «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат Дастури»га биноан 4 та янги мактаб барпо этилди. Капитал реконструкция ишлари эвазига 56 та мактаб замонавий тус олди. 1449 та ёш оилага ипотека, истеъмол ва микрокредитлар бериш учун қарийб 5 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Термиз шаҳрида ёш оилалар учун мўлжалланган 2 та ҳар бири 32 хонадондан иборат кўп қаватли уй-жой қурилиши поёнига етказилди.

Албатта, юқоридагилар статистик маълумотлардан айримлари холос. Кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган қулайлик ва имкониятлардан унумли фойдаланилаётган ёшлар турли соҳалар бўйича ўз иқтидор ва салоҳиятларини кўрсатиб муваффақиятларга эришмоқдалар.

— Ўтган йил тенгдошларим қатори менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирди. "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлиш билан бирга "Келажак овози" мега танловининг "Архитектура ва дизайн" йўналиши бўйича ғолибликка ҳам эришдим, — дейди Мадина Ҳамидова.

Якунланган йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам ҳар жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бу борада, айниқса, "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Бир қанча конларни ўзлаштиришга киришилди. Юртбошимиз ташаббуси билан 2008—2010 йилларда Сурхондарё вилоятини комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этила бошлагани эса ҳар бир туманда қулай инвестицион муҳит яратиш, пировардида вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга асос яратмоқда. Жумладан, ўтган йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 100 миллиард сўмни ташкил этгани ҳолда унда кичик корхона ва микрофирмалар салмоғи 70 фоиздан ошиб кетди.

Вилоятда аҳоли саломатлигини тиклаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бир неча янги тиббий муассасалар бунёд этилиб, мавжуд шифо масканларига энг замонавий диагностика, даволаш ва муолажа учун зарур тиббий асбоб ва аппаратуралар олиб келинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг реал даромадларини ошириш мақсадида минглаб янги иш ўринлари яратилди. Воҳада 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида турли йўналишлардаги хизмат кўрсатишга мўлжалланган шохобчалар қурилиб, эвазига ҳозиргача 23500 та янги иш ўрни яратилди. Ёшларнинг иш билан таъминланаётгани эса жуда қувонарли ҳолдир.

Вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилиши инобатга олинган ҳолда 2008 йилда қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 200 км. сув, 30 км. дан ортиқ табиий газ қувурлари тортилиб, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари тубдан таъмирланди. Шунинг эвазига йўллар равон, манзиллар эса яқин бўлди.

Бир сўз билан айтганда, якунланган 2008 йил вилоят ҳаётида улкан ўзгаришлар даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланган — 2009 йилда эса бошланган ишлар давом эттирилиб, ислоҳотлар юқори босқичга кўтарилиши шубҳасиз.

Шерали ҚОДИРОВ

ОГОҲЛИК

Ёнғин хавфсизлигига риоя қилинг

Маълумки, қиш мавсумида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжининг ошиши ёнғин хавфи кескин ортишига сабаб бўлади. Содир бўлаётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билсалар-да, айримлар унга лоқайдлик билан қарамоқда.

Бир қанча хонадонларда ва иш жойларида газ ва электр ускуналаридан норўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг пиротехника воситаларини ишлатиши оқибатида ёнғинлар содир бўлаётгани ҳам сўзимиз исботидир. Бозорларда, аҳоли гавжум жойларда яширинча сотилаётган салютлар, пақилдоқлар ҳам нафақат ёш болалар, балки катта ёшдаги инсонларга ҳам тан жароҳати етказаяпти. Ёшларни турли балойи офатлар, шу жумладан, ёнғинлардан асраш, аввало, ота-оналар зиммасидаги масъулият ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ҳар доим, ҳар куни ўзимиз, қариндошларимиз, фарзандларимизнинг соғ-саломатлиги учун "Ёнғин хавфсизлиги" қоидаларига риоя қилишни унутмайлик.

Шухрат РЎЗИХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ
12-ҳарбийлаштирилган "Ёнғин хавфсизлиги отряди" кичик инспектори.

ФИКР

— Қишда уйимиз совқотмасмикан, ака?
— Агар сув кир бўлса, уни қандай ювишади?
— Қаранг, тоғнинг ҳам сочи оқарибди.
— Ўша сочи оқарган тоғ кимнинг бобоси?

Болалигимда уйимизда қиз бола бўлмагани учун укамга қараш менинг зиммамда эди. Юқоридаги гаплар ҳам укамнинг саволлари. Худди кечагидай эсимда, у бунақа саволларни жуда кўп берарди.

Хўш, маҳмадона укангиз берадиган саволларининг бизга нима қизиғи бор, дерсиз. Шошмай туринг, бугун шу баҳона кўнглимдаги гапларни ёзишга жазм қилдим.

Болангизнинг қизиқиши сўнмасин



Сизнинг ҳам ука-сингилларингиз бордир. Демак, ҳозир айтадиган гапларим сизнида бефарқ қолдирмайди. Ёшликда, аввало, ота-онангизга ёрдам бериш, қолаверса, укангизнинг бир-биридан ширин сўзларини эшитиш учун ҳам у билан ўйнагансиз. Кичкинтой эса сизни ўзининг ширин сўзлари билан "мукофот"лаган. Шу пайт юзингизга беихтиёр табассум югурганини, фикрингиз ўз-ўзидан тералашиб бораётганини сезиб қоласиз. Чунки у сизнинг ақлингиз етмайдиган нарсалар ҳақида ўйлайди, сизни саволлар билан қийнаб юборади. Сиз эса бир кун келиб укангизнинг, албатта, катта одам, яъни машҳур шоир ё моҳир учувчи ё олим бўлиб етишишига умид қиласиз.

Аммо бир-икки йил ўтиб, укангиздан юксак истеъдод соҳиби бўлмиш шоир, моҳир учувчи тугул, оддий олий маълумотли мутахассис чиқишига ҳам шубҳалана бошлайсиз.

Нега? Ундаги қизиқувчанлик, ўткир зеҳн қаёққа кетди? Кўзларидаги ҳайрат ўрнини аллақандай бефарқлик эгаллаб олган кўринади. Бунинг сабаби нимада экан, деб ўйланиб қоласан киши. Бирор нарса сўрасангиз, "ҳа", "йўқ", "билмасам" дейишдан нарига ўтмайди.

Менимча бунга сабаб баъзи ота-оналар бўлса керак. Боиси улар "Бемаъни савол бераверма-санг-чи", деб фарзандларининг саволларига жавоб қайтаришмайди. Натижада боладаги қизиқувчанлик ўз-ўзидан сўниб боради. У бир нарсадан — ножоиз гапиришдан қўрқиб қолади. Бундай ҳолат нафақат оилада, балки кейинчалик катта давраларда ҳам бўлиши мумкин.

Мана шундай ҳадиксираш ва ўзига ишонмаслик кўпинча гап-сўзларимизда, иш фаолиятимизда ҳам кўзга ташланади. Ишхонада ташаббус кўрсатиш, бошлиққа таклиф билан чиқиш, тушунмаган нарсасини сўраш гўё камайиб бораётганга ўхшайди. Баъзида бундай одатларни камчиликка менгзайдиган одатимиз ҳам бор. Ёшликда ота-онамиз тайинламаса, бирор юмушни ўзимиздан билиб бажармаймиз, ишхонада бошлиқ айтмаса, тайинли иш қилмайдиган бўлиб бораётганга ўхшаймиз.

Хўш, нима учун бундай бўлаяпти? Чунки мустабид тузум даврида биздан ҳеч ким фикр сўрамасди. Шўро даври сиёсатининг асосий қуролларидан бири ҳам айнан шундай мутелик бўлган. Ҳаммамизга маълумки, ижтимоий ҳаёт онгни белгилайди. Бугун ҳам ўша қора кунларни ёдга олаётганимнинг сабаби шундаки, миллатимиз томирига томган заҳар бугун ҳам ўз таъсирини ўтказмасин.

Биз ота-оналарнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъзозлаш кераклиги ҳақида жуда кўп гапирамиз. Аммо айрим ота-оналарнинг болалари олдидаги фарзларини унутиб қўяётгани ҳам бор гап.

Элбек ЖУМАНОВ,
«Hurriyat» мухбири

Устомон кўчирмакашлар

(Бошланиши 1-бетда.)

Аниқроғи, юқорида келтирилган китоб муаллифларидан бири сифатида бизга таниш Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ўқитувчиси Дўстмурод Эшимовнинг қўлига 2005 йилда Тошкентда нашр этилган З.Т.Ражамуродов, Б.З.Зарипов, Б.М.Бозоровларнинг "Одам ва ҳайвонлар физиологиясидан лаборатория ва амалий машғулотлар бўйича ўқув қўлланма"си тушиб қолди.

Аввалига Дўстмурод Эшимов ҳеч нарсага тушуна олмай ҳайрон бўлди. Чунки ўқув қўлланманинг мазмун-моҳияти, матни, ҳаттоки боблари ўзининг Рўзиқулов, Ражамуродовлар ҳаммуаллифлигида тайёрлаган "Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси" китобига бир томчи сувдек ўхшаш эди. Фақат унинг номи кишини чалғитиш учун бўлса керак "Одам ва ҳайвонлар физиологиясидан лаборатория ва амалий машғулотлар бўйича ўқув қўлланма" деб ўзгартирилган эди. Шундай бўлса-да, Дўстмурод Эшимов бу қўлланмани эринмай ҳижжалаб ўқиб чиқди ва "ҳамкасблари"нинг устомонлигидан ҳайратда қолди.

Буни қарангки, кўчирмачилигини ниқоблаш учун "янги" китоб муаллифлари — Ражамуродов, Зарипов, Бозоровлар анчагина "кашфиёт"лар ҳам қилишган экан. Уларнинг бу устомонликларига тан бермай илож йўқ. Негаки, аслида касб-ҳунар коллежларининг талабалари учун ёзилган ўқув қўлланмасидан кўчирилган китобнинг титул варағида "Олий ўқув юртларининг биология, зоотехника, ветеринария ва қорақўлчилик йўналишлари талабалари учун мўлжалланган" китобга айланган-қолган. Унинг ҳақиқийлигига ишонч туғдириш учун шунинг ўзи ҳам етарли бўлса-да, чамаси, муаллифлар кўнгли тўлмаган кўринади. Шунинг учун бўлса керак титул варағининг ички бетига қуйидаги ёзувлар киритилган: "Ўқув қўлланмаси қуйидаги: 540100 биология, 540102 экология мутахассислари ва 640100 ветеринария мутахассислиги бўйича "Одам ва ҳайвонлар физиологияси" фанидан намунавий ўқув дастури асосида бакалавр талабалари учун мўлжалланган". "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган". "Тақризчилар: б.ф.д., профессор О.М.Мавлонов, б.ф.н., доцент Э.Тошпўлатов", деган ёзувлар билан тўлдирилган.

Келинг "Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси" (амалий-лаборатория машғулотлари) ўқув қўлланмасидан "Одам ва ҳайвонлар физиологиясидан лаборатория ва амалий машғулотлар бўйича ўқув қўлланма"сига кўчирилган, олиб ташланган, қўшилган, ўзгартирилган ва ҳоказо матнларга тўхталсак.

2004 йилда нашр этилган асл нусханинг 4-бетидаги "Амалий-лаборатория дарсларини ўтказиш бўйича умумий кўрсатмалар" деб номланган бўлимдаги сарлавҳа ва унинг остидаги қарийб бир бетли матн 2005 йилда чоп этилган кўчирилган китобнинг 7-бетида ҳеч бир ўзгаришсиз сўзма-сўз берилган. Аниқлик учун шуни ҳам айтиш керакки, шу бўлимдаги ўзбекча тажриба сўзи чалғитиш мақсадида бўлса керак уч жойда "эксперимент" шаклида кўчирилган. Асл нусха китобнинг 5-бетидаги "Амалий машғулотларни ўтказиш тартиби ва машғулотларни расмийлаштириш" тарзида ўзгартирилган. Юқоридаги сарлавҳага тегишли матн сўзма-сўз кўчирилган. 2004 йилдаги нашрнинг 5-бетидаги "Физиология фанидан тажриба ўтказишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар" деб номланган сарлавҳа 2005 йилдаги нашрнинг 8-бетида "Физиология фанининг тажрибалари ва уларни ўтказишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар" деб бироз ўзгартириб берилган ҳамда бу бўлим "1 дарс" ва "мавзу" сўзлари билан бошланган. Дарснинг мақсади, иш учун керакли ҳайвонлар ва жиҳозлар алоҳида кўрсатилган. Қолган матн қарийб асл ҳолича кўчирилган. Матндаги олимлар рўйхатидан Р.Х.Хаитов, М.М.Ҳақбердиев, Б.О.-Тошмуҳамедов, Д.Зарипов ва П.Алматовлар чиқариб ташланган тарзда баён қилинган. 112-бетда "марказий нерв тизими" — "марказий асаб тизими" деб ўзгартирилган, "амалий машғулот" ибораси чиқариб ташланган. 113-бетда "содир бўлди" — "рўёбга чиқди" ибораси билан алмаштирилган, "нерв тизими" — "нерв органи М.Н.С." сўзлари билан алмаштирилган. Бундан ташқари контрафакт нусхага кўплаб расмлар ҳам киритилган.

Барчага аёнки, бино деворининг пойдевори нобоп бўлса, у албатта, бир куни қулаб тушади. "Одам ва ҳайвонлар физиологиясидан лаборатория ва амалий машғулотлар бўйича ўқув қўлланма" китобининг тақдири ҳам худди шундай бўлди. СамДУ ректори, профессор Т.Ширинов, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори, профессор Ш.Холиқулов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари А.Муҳитдиновлар имзоси билан олинган хатларда китоб муаллифлари З.Ражамуродов, Б.Зарипов, Б.Бозоровлар рухсат олмасдан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "гриф"исиз унинг номидан чоп эттиришгани маълум бўлди. Мазкур китоб Тошкент Давлат аграр университетида чоп этилган деб титул варағида кўрсатилган бўлса-да, бунинг тасдиғи топилмади. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосарининг 2007 йил 8 августдаги 04-1474-рақамли расмий хатида мазкур китобни чоп этиш билан боғлиқ масалага бирмунча ойдинлик киритилган. Маълум бўлишича, "Одам ва ҳайвонлар физиологиясидан лаборатория ва амалий машғулотлар бўйича ўқув қўлланма"си Матбуот ва ахборот агентлигида матбаа фаолияти учун рўйхатга олинган хусусий тадбиркор Муроджон Тошбулатов томонидан чоп этилган. "Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини бузгани учун хусусий тадбиркорга тегишли 10-0683-сонли гувоҳнома 2007 йил 23 августдаги 101-сонли агентлик буйруғи билан бекор қилинган.

Бу нохуш воқеа шу билан тугаган бўлса керак деб ўйлашга бироз шошилманг. Ҳа, унинг давоми бор. Фуқаро Дўстмурод Эшимовнинг Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига даъво аризасидан парча келтирамиз: "Мен ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида педагогик фаолият билан шуғулланиб келмоқдаман. 2003 йилда мен билан бирга ишлайдиган профессор З.Т.Ражамуродов, мен ва кафедрамиз катта ўқитувчиси Р.Ф.Рўзиқулов томонидан ветеринария факультети талабалари учун тайёрланган "Ҳайвонлар патофизиологияси" фанидан амалий лаборатория машғулотлари бўйича ўқув қўлланмасини олиб кетиб, Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари номидан мен ва Р.Ф.Рўзиқулов муаллифлигидаги "Ҳайвонлар патофизиологияси" ўқув қўлланмасини "Патологик физиология" деб номлаб, ушбу китобчада бизнинг ўқув қўлланмамизни ҳарфма-ҳарф кўчиришиб, муаллифлар З.Ражамуродов, Б.Бозоров, М.Ўроловлар ушбу фан бўйича мутахассис бўлмаса-да, моҳиятини тушунмаган ҳолда турли ўзгартиришлар киритишиб СамДУ ратопринтида 100 дона чоп эттирганлар".

Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида асарни нашр қилиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми-шарифи кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритиш фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади. Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади, деб кўрсатилган.

Шунингдек, қонуннинг 19-моддасида муаллиф асаридан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга. Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу қонунда кўрсатилгандан ташқари ҳолларда, асардан фақат мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартнома билан фойдаланишлари мумкин. Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади, дейилган.

Биринчидан, Ражамуродов, Бозоров, Ўроловлар "муаллиф"лигидаги 2003 йилда нашрдан чиққан "Патологик физиология" китоби Эшимов ва Рўзиқуловларнинг 1999 йилда нашр этилган "Ветеринария факультети талабалари учун "Ҳайвонлар патофизиологияси" фанидан ўтказиладиган амалий лаборатория машғулотлари (1-2 қисмлари) бўйича ўқув қўлланма"дан кўчирилганлиги Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг 2008 йил 23 сентябрдаги 01-2008-рақамли эксперт хулосаси билан тасдиқланган. Тафовут ва ўхшашликлардан айрим мисоллар келтирамиз. Асл нусха жилдидаги "ўқув қўлланмаси" сўзи контрафакт нусханинг титул варағида "услубий қўлланма" деб кўрсатилган, 16-бетдаги "нерв" 19-бетда "асаб" деб, 19-бетдаги "IV даражали куйишда" сўзлари 23-бетда "1-даражали куйиш" деб берилган. Кўчирилган нусхага қўшимча равишда учта дарс ва мундарижа киритилган.

Иккинчидан, бакалавриатура ва магистратура олий таълимнинг биринчи ва иккинчи босқичи ҳисобланади. Аммо кўчирилган китоб муаллифлари бунинг фарқини ё унутиб қўйишган ёки китобнинг обрўсини ошириш учун бирваракайига иккала босқичга ҳам тавсия қилиб юборишган. Ёки сохта "муаллиф"лар буни ростдан ҳам билишмасмикан? Ундай десак, улар бу соҳага кеча кириб келган ёш мутахассислар эмас-ку! Яхшиямки олимларимиз ўз китобларига "энциклопедия" мақомини бериб юборишмаган. Ахир, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини назар-писанд қилмай, кимдир ўз китобига (яна бошқасидан кўчириб) вазирлик номидан сохта "гриф" берсаю, бунга ҳеч ким индамаса, шаҳар бедарвоза экан-да, дейишдан бошқа чора қолмайди. Наҳотки, бундай ўзбошимчаликлар жазосиз қолса?! Унда, кечирасизу, бундай қонунбузарликлар кейин давом этмайди деб, ким кафолат беради?! Вазирлик бу масалада ўз муносабатини, албатта, билдиради деб умид қиламиз. Яна бир гапни айтмасак, назаримизда якунланаётган воқеамиз тўлиқ бўлмайдигандай кўринади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти доценти Д.Эшимов ўзи ва ҳамкасбларининг бузилган муаллифлик ҳуқуқларини тиклаш учун елиб-югурганини бошқача тушунганлар, турли бўхтонлар билан асабини бузганлар ҳам бўлди. Баъзилар унга "Ётган илоннинг бошини қўзғаб нима қиласан", дейишса, унинг мақсади пул ишлаш бўлса керак, дегувчилар ҳам топилди. Биз эса шу каби барча саволларга жавоб тариқасида Д.Эшимовнинг Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига ёзган яна бир аризасини масалага тааллуқли бўлгани учун тўлиқ келтирамиз ва уни шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз: "Менга ушбу (асосий иш: №1-279-08 ва апелляция иши № 3-319-08) иш бўйича суд ажрими асосида ундирилган (400000 сўм) маънавий ва (658000 сўм) моддий зарар маблағини Самарқанд шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 72-уйда бошпанасиз депрессив ҳолатда қолган болалар ва оналарни ҳимоялаш мақсадида ННО "Тенгдошим" корхонасига ўтказиб берилишини сўрайман".

Халқимизда "Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди", деган ибратли мақол бор. Чиндан ҳам шундай. Аммо ана шу ҳақиқатни рўёбга чиқараман деб юрган инсон-чи, у азият чекмайдими? Ана шу "эгилиш ва букилишлар" натижасида у майиб ва мажруҳ бўлиб қолмайдими? Ана шу ҳақиқатни рўёбга чиқараман деб Самарқанд қишлоқ хўжалик институти доценти Дўстмурод Эшимов ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун озмунча идоралар эшигини қоқмадими, ариза-лар ёзмади дейсиз.

2008 йил 8 февраль куни Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида даъвогар Д.Эшимовнинг жавобгарлар З.Ражамуродов, М.Ўролов, Б.Бозоров, Б.Зариповларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини тиклаш ва етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича ҳамда З.Ражамуродовнинг Д.Эшимовга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги қарши даъвоси бўйича иши кўриб чиқилди. Суд масалага ойдинлик киритиши мумкин бўлган айрим далилларга етарли даражада эътиборни қаратмаганлиги оқибатида шикоят даъвоси ҳам, қарши даъвоси ҳам рад этилди. Даъвогар Д.Эшимовнинг апелляция тартибида келтирган шикояти Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси томонидан 2008 йил 25 март куни кўриб чиқилди ва биринчи босқич судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Шундан кейин ҳам ўзининг ҳақлигига ишонган Д.Эшимов ҳақиқат излаб Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси Жамшид Субҳонқуловга ариза билан мурожаат қилди. Кейин мазкур фуқаролик иши чуқур таҳлил қилинган ҳолда қайта ўрганиб чиқилди. Натижада Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг раёсатига 2008 йил 25 мартдаги ажримни бекор қилиш ва ишни қайта кўриб чиқиш юзасидан назорат тартибида протест киритилди. Айни шу пайтда мазкур фуқаролик иши бўйича муаллифлик экспертизаси тайинланиб, уни ўтказиш Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Республика агентлиги зиммасига юклатилди. Агентлик эксперт гуруҳи З.Ражамуродов, Б.Бозоров, М.Ўроловларнинг муаллифлигида ёзилган ва 2003 йилда чоп этилган "Одам ва ҳайвонлар физиологияси"дан лаборатория ва амалий машғулотлар бўйича ўқув қўлланмаси Д.Эшимов, Р.Рўзиқулов, З.Ражамуродовларнинг муаллифлигида ёзилган ва 2004 йилда нашр этилган "Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси" ўқув қўлланмасидан кўчирилганлигини ўз хулосасида баён этган. Унда шунингдек, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуннинг қатор моддалари бузилганлиги таъкидланган.

Шундай қилиб, 2008 йил 21 октябрь куни Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг ажримига кўра, Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2008 йил 8 февралдаги ҳал қилув қарори бекор қилинди. Шунингдек, даъвогар Дўстмурод Эшимовнинг жавобгарлар — З.Т.Ражамуродов, Б.З.Зарипов, М.Ўролов ва М.Б.Бозоровларга нисбатан бузилган муаллифлик ҳуқуқини тиклаш, "Одам ва ҳайвонлар физиологияси" ва "Патология физиология" фанидан ўқув қўлланмасига З.Т.Ражамуродов, Б.З.Зарипов, М.Ўролов ва М.Б.Бозоровларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бекор қилишни лозим топди. Улардан етказилган 658,0 минг сўм моддий ва 6,0 миллион сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талаблари қисман қаноатлантирилди. Шу билан бир қаторда Д.Эшимовнинг муаллифлик ҳуқуқи бузилган деб топилди. Д.Эшимовнинг фойдасига жавобгарлар — З.Т.Ражамуродов, Б.З.Зарипов, М.Ўролов ва М.Б.Бозоровлардан солидар тартибда 658,0 минг сўм моддий зарар ва уларнинг ҳар биридан 100,0 минг сўмдан маънавий зарар ундирилиши белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, ҳақ жойида қарор топди. Лекин бу масалага нуқта қўйилди дегани эмас. Юқорида таъкидланганидек, айрим масалалар ҳамон ўз ечимини топганича йўқ. Масалан, кўчирмачилик йўли билан ёзилган китоблар ҳамон йиғиб олингани йўқ. Акс ҳолда, бу китоблар талабаларни чалғитиб қўймасмикан, деб ўйлаб қоласан киши. Нима бўлганда ҳам энг муҳими, юқоридаги каби нохуш воқеалар энди такрорланмаслиги керак. Масалага охирги нуқтани эса албатта, мутасадди вазирликдагилар қўйишади, деб умид қиламиз ва ишонамиз.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги матбуот котиби.

ЖАРАЁН

ҲУҚУҚ

Бир қилмишга икки жазо

ёки "откат" порами?

Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг моҳияти Жиноят процессуал кодекси 2-моддасида тўлиқ акс этган: "...жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилишига эришиш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслигини" таъминлашдан иборат.

Айбдорга адолатли жазо белгиланиши биринчи навбатда айбдорнинг қилмишини тўғри квалификация қилиш билан боғлиқ, бу масалада йўл қўйилган хато содир этилган жиноятга нисбатан номутаносиб жазо чорасини қўллашга олиб келади. Квалификация деганда айбдорнинг хатти-ҳаракатини Жиноят кодекси моддасига малакалаш тушунилади. Қилмишни малакалашдаги хато тайинланажак жазога қандай таъсир этишига мисол келтирайлик. Айтайлик, А исмли шахс В исмли шахс билан гап талашиб, жанжаллашиб қолди. Биринчиси иккинчисига "Сени ўлдираман," — дея ўдағайлади-да, унга бир шапалоқ урди. Шу воқеага яқин турган С исмли шахс уларни ажратиб қўйди. Бу ҳолатни текширган бир терговчи: "Айбдор А.га нисбатан маъмурий иш юритиш кифоя, бу қилмиш жамият учун хавфли эмас", деб уни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддасига мувофиқ жарима жазосига тортади. Мазкур ҳолатни ўрганган бошқа терговчи эса "Айбдор А қасддан Бга ҳужум қилиб, уни ўлдирмоқчи бўлган. Ўша жойда учинчи шахс С бўлмаганида қотиллик содир этилган бўларди, А ўз режасини охирига етказолмай қолган", — дея айбдор қилмишини қасддан одам ўлдиришга суиқасд, деб малакалайди. Буни суд маъқулласа, фуқаро А. ўн йилга озодликдан маҳрум этилиши турган гап.

Шу ўринда жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2008 йил 10 июнь кунидаги ҳукми билан судланган "Наманган электр тармоқлари" ОАЖнинг собиқ раиси Зокиржон Ҳусановга қўйилган айблов эпизодларидан бирини таҳлил этайлик.

Кейинги пайтларда иқтисодий соҳада "откат" деб номланган жиноят тури пайдо бўлди. Маҳсулот сотиб олувчи корхона сотувчи ташкилотлардан товарларни ҳақиқий баҳосига нисбатан қиммат нархда пул кўчириш йўли билан харид қилади.Сотувчи корхона раҳбари пулни қабул қилиб оларкан, маблағнинг бир қисмини харидор корхона бошлиғининг ўзига нақд пул ёки товар шаклида қайтаради. Жиноят ҳуқуқи фани "откат" жиноятини бир гуруҳ шахсларнинг ўзаро тил бириктириб, "харидор" корхона маблағини талон-торож қилиш дея малакалаш лозимлигини ўргатади. Мамлакатимизда бу борада қонуний кучга кирган суд ҳукмлари фикримизни тасдиқлайди.

Аммо тергов органи томонидан З.Ҳусановга қўйилган айблов суд ҳукмида қуйидагича ёзилган: ***"Судланувчи З.Ҳусанов 2005-2007 йилларда "Наманган электр тармоқлари" ОАЖ раҳбари сифатида М. Рўзиевдан мунтазам равишда Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган турли фирма ва корхоналар орқали электр жиҳозларини қиммат нархларда қабул қилиб келгани эвазига 2006 йил август-сентябр ойларида бозор баҳоси 24.000 АҚШ доллари (29.500000 сўм)га тенг бўлган "Ласетти" русумли автомашинани пора сифатида олган".***

Ушбу "откат"бўйича айблов эпизоди тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "а" ва "б" бандлари билан малакаланган, суд эса З. Ҳусановга шу эпизод бўйича ўн йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаган.

Аслида шу "откат" бўйича Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" ва "в" бандлари билан ҳам айбланган Ҳусановга суд томонидан тегишли жазо тайинланган. Бунинг устига айнан шу эпизод бўйича у "пора олганлик"да ҳам айбланган. Бу ҳолат бизнингча, бир қилмиш учун икки жазо тайинлашдан бошқа нарса эмас. Жиноят кодексининг 8-моддаси 2-қисмида эса "ҳеч ким айнан битта жинояти учун икки бор жавобгарликка тортилиши мумкин эмас", деб қайд этилган.

Қолаверса, шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, талон-торож қилинган маблағнинг айбдорлар томонидан тақсимланиб олиниши "пора олиш" жинояти бўлолмайди.

Юқоридаги ҳолат юзасидан Олий судга мурожаат этилганида, З.Ҳусановнинг айбдорлиги хусусида асосли хулосага келингани, унга қилмишига яраша жазо тайинланганлиги ҳақида расмий жавоб олинди. Жавоб бизни қаноатлантирмади. Аммо ҳар қандай жавобдан устун турувчи ягона ҳақиқат ҳам мавжудлиги сир эмас. Бу ҳақиқат эса қонун устуворлиги, тантанасидир. Биз ана шу ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши муқаррарлигига ишонамиз.

Фиёс НАМОЗОВ,
Шайхонтоҳур тумани ҳуқуқ маслаҳатхонаси адвокати.

СЎРОВ

Матбуотимиз равнақи: ким қандай фикрда?

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак, деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ, "Ishonch" ва "Ishonch—Доверие" газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

1. Газета-журналларимиз бозор иқтисодиёти шароитига жуда тез мослашиб бормоқда. Албатта, рақобатсиз бозор бозор эмас! Бизнингча, газета бозорининг бир томонида кучли муассисларга эга бўлган ва асосан обуна ҳамда реклама билан фаолият юритувчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва адабий-бадиий нашрлар туради. Иккинчи томонда эса чакана савдони эгаллаб олган ва ним кесатиқ билан "сариқ матбуот" деб тилга олинувчи хусусий газеталар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон қонунлари матбуотни эркинлаштиришга йўналтирилган: хусусий мулкнинг барча турлари қатори хусусий газеталар ҳам қонун билан муҳофазаланган. Шунинг учун аксарият ҳолларда бозорда, газета дўконларида оддий газетхонлар — ўқувчилар, коллеж ва олий ўқув юртларининг талабалари, тижорат аҳли бизнинг "катта газета"ларимизни эмас, балки "олди-қочди" билан тўла "газетачалар"ни харид қилаётганини кўрганда ғашланиш билан чегараланишга мажбурмиз. Жуда нари борса, катта йиғилишларда "халқнинг савиясини туширib юбораётган "сариқ матбуот"нинг пўстагини қоқиб, озгина таскин топиш билан кифояланамиз. Бунга жавобан тижоратбоп газеталар "ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич" қабилида гуллаб-яшнамоқда ва биз энди уларга кўникиб ҳам қолдик.

Бозорда ҳар ким қўлидан келган ишни қилади. Айрим газеталарнинг ўз нуфузидан фойдаланиб реклама бозорини эгаллаб олганлигини ҳам табиий ҳол деб баҳоламоқ даркор. Бошқа бирлари бозорбоп иловаларини чиқариш билан катта бозорга йўл изламоқда. Ўзбекистон журналистлари чинакам корпоратив матбуотга ўтиш йўлини ана шундай синаб кўрмоқдалар. Ўзининг босма корхонаси, тарқатиш тизими ва ҳатто электрон ахборот воситаларига эга бўлган, эрталабки-кечки сонлари билан глобал ахборот майдонида "от сурувчи" матбуот ҳақидаги орзуимиз келгуси ўн йилликда амалга ошса ажаб эмас.

2. "Турғунлик" даври деб аталувчи замонда фақат совет тузумини куйловчи матбуотни пахтавон ўқ билан қуролланган овчига ўхшатиш мумкин. Оқибати эса ҳаммамизга маълум коммунистик чўпчак бўлиб чиқди. "Қайта қуриш" деб аталмиш даврда танқиддан юзи қотиб кетган жамият ҳеч кимни ва ҳеч нарсани писанд қилмай, бошбошдоқлик комига қулаб тушди. Ислоҳот одимлари ҳақидаги ахборотларимиз чуқур таҳлилий маълумотлар билан тўлдириб борилиши, танқид эса асосли ва холис бўлиши шарт.

3. Таниш-нотаниш дўстлар ёки муштарийлар газетангизда яхши мақола чиқибди, деб қўнғироқ қилишса, хат ёзишса, бошимиз осмонга етади. Шунга қарамай муҳаррирлар фақат яхши, қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган газета чиқариш орзуси билан яшаши керак, деб ўйлайман.

БАЛИҚЧИЛИК РАВНАҚ ТОПАДИ

Балиқчилик — етти хазинанинг бири, деб бежиз айтилмаган. Инсон саломатлиги учун у жуда фойдали. Мутахассислар хулосасига кўра, инсон организми соғлом ривожланиши учун киши йилига камида 18,2 килограмм балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиб туриши керак экан.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига биноан вилоятимиздаги мавжуд 8 та балиқчилик табиий сув ҳавзаси танлов асосида 16 та балиқ овлаш корхонасига узоқ муддатли ижарага берилди. Натижада соҳа ходимлари Оғитма, Шўркўл, Замонбобо, Денгизкўл, Девхона, Хадича, Зикри каби умумий майдони 101,2 минг гектар табиий ва 694 гектар сунъий балиқчилик ҳавзаларида меҳнат қилишмоқда. Сув ҳавзаларида балиқ захиралари кўпайтирилиб, вилоят аҳолисини тоза, сифатли маҳсулот билан таъминламоқда. «Бухоробалиқ» хўжалигидаги мавжуд 297 гектарлик сунъий ҳавзанинг инкубация цехида ҳар йили 20 миллионга балиқ чавақчалари етиштирилиб, табиий ҳавзаларга юборилмоқда.

Ҳусан ҒАФФОРОВ
"Бухоронома",
01.01.2009.

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

КЎНГЛИ ЭГРИНИНГ ИШИ ЭГРИ

Уйчилик Ботиржон Охунов «Янги ҳаёт боқий савдо» хусусий корхонасини ташкил этгач, бошқарувни майда-чуйда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиб юрган Ш.Нормирзаевга топширди.

Хусусий корхона бошқарувини ўз қўлига олган Ш.Нормирзаев ишга киришиб, аввалига жами 35500,5 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширди. Кейин эса қандай қилиб ҳисоб рақамидаги шунча маблағни ўзлаштириб олиш ҳақида бош қотира бошлади. Ниқоят, ўйлай-ўйлай бир қарорга келди. Хусусий тадбиркор Сайфиддин Мўминовнинг ҳисоб рақамига 24900,0 минг сўмни молиявий ёрдам сифатида ўтказиб бериб, сўнгра ушбу маблағни нақд пул қилиб олгач, ўз эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юраверди.

Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетади, деб ўйлаган Ш.Нормирзаев ҳеч нима бўлмагандек «фаолияти»ни давом эттирмоқчи эди. Афсуски, ундай бўлмади. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, жазо тайинланди.

Беҳзод ИСМОИЛОВ
"Диёнат" (Наманган)
25.12.2008.

Очиқ акциядорлик-тижорат

"ПАХТА БАНК"

Мамлакатимизда 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фарвонлиги йили деб эълон қилиниши муносабати билан барча тадбиркор ва ишбилармонларни ҳамкорликка таклиф этади. Айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишга ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Пахта Банк»:

Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган инвестицион лойиҳалар

танловини эълон қилади.

Танлов шартларига мувофиқ жавоб берган лойиҳаларга «Пахта Банк» томонидан имтиёзли фоизлар асосида кредитлар ажратилади.

Танловнинг асосий шартлари:

1. Лойиҳа мақсади:
— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш;
— Чорвачилик маҳсулотлари, шу жумладан, сут ва гўштни қайта ишлаш.

2. Лойиҳа қиймати — мижоз буюртмаси асосида.

3. Лойиҳани молиялаштиришга ажратиладиган кредитнинг миқдори 500 миллион сўмгача.

4. Ташаббускорнинг лойиҳадаги улуши лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

5. Кредит таъминоти кредит миқдорининг 120 фоизидан кам бўлмаган ҳолда лойиҳа асосида сотиб олинадиган технологик ускуна таъминот сифатида қийматининг 70 фоизи миқдоригача қабул қилинади.

6. Лойиҳанинг қоплаш муддати 5 йилдан ошмаслиги ҳамда замонавий технологик ускуналарга асосланган бўлиши лозим.

Қуйидаги жиҳатларга эга бўлган инвестиция лойиҳалари алоҳида устуворликка эга:
— Экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган, замонавий ва мослашувчан минитехнологияларга асосланган лойиҳалар;
— Энг арзон маҳсулот таннархига эга бўлган лойиҳалар;
— Лойиҳа ташаббускорининг ушбу соҳада юқори малакага эгалиги;
— Қилинган инвестицияга нисбатан яратилган ишчи ўринлар сони юқори бўлган лойиҳалар.

Танловда иштирок этиш учун «Пахта Банк»нинг барча филиалларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:
— Танловда иштирок этиш учун ариза;
— Корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлари;
— Лойиҳанинг мақсади, стратегияси, технологик ускуна, хомашё базаси, лойиҳа ташаббускорининг мавжуд имкониятлари ҳамда рақобатчилардан устунлик тарафлари, маркетинг тадқиқотлари кўрсатилган техник иқтисодий асос;
— Кредит таъминотига таклиф этиладиган мол-мулклар тўғрисида маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар «Пахта Банк»нинг барча ҳудудий филиаллари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон рақамлари:
(+99871)
150-85-23,
150-53-57

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси жамоаси

юртдошларимизни

Янги — 2009 йил

билан табриклайди.

Ушбу йилда барчага бахт-иқбол, улкан муваффақиятлар тилайди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да

жаннатмонанд Ватанимиз янада ривож топсин, юксалаверсин!



Жиззах вилоят ҳокимлиги "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ" компанияси жамоаси

ватандошларимизни Янги йил айёми билан муборакбод этади. Барчага 2009 йилда муваффақиятлар ёр бўлсин. Халқимизнинг дастурхони тўкин, ҳаёти фаровон, эртаси янада нурафшон бўлаверсин.

ГВАТЕМАЛАДА ЕР КЎЧДИ

Гватемаланинг шимолидаги Альта-Верапас департаментида кеча тоғ қояси йўлга қулаб тушди. Бу пайтда бир нечта маҳаллий аҳоли йўлда кетаётган эди. Аввал қоя кўчиши оқибатида 22 нафар одам қурбон бўлгани хабар берилган эди. Аммо мамлакат вице-президенти Рафаэль Эспада Reuters мухбири билан суҳбатда ҳалок бўлганлар сони 30 нафар эканлигини айтди.

Қидирув-қутқарув ишларига мамлакат фавқулодда ҳолатлар миллий қўмитаси вакиллари жалб этилган. Аммо ҳамон тоғда тош қулаши давом этаётгани туфайли бу ишни тўла амалга ошириб бўлмаяпти.

ҒАЗО ҲАМОН НОТИНЧ

Аввал хабар қилганимиздек, бир неча кундирки Ғазо секторида Исроил ва Фаластиннинг ХАМАС гуруҳи ўртасида уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Шу пайтга қадар сектор ҳаводан бомбардимон қилинган бўлса, энди Исроил армияси танк ва бронемашиналар ёрдамида ҳудудга бостириб кирди.

Воқеа иштирокчиларининг гувоҳлик беришича, кеча йирик артиллерия ҳужуми уюштирилган. The Jerusalem Post хабарига қараганда, уч нафар жангари ўлдирилган. Ҳужум пайтида Исроил томони кўрган талафот ҳақида ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ. Артиллерия ҳужумига қадар ҳам Исроил армияси ердан ва самодан туриб Миср ҳамда секторни боғловчи 40 дан ортиқ ер ости йўлларини бомбардимон қилган. Исроил разведкасининг маълумотларига бўйича, қурол-яроғлар шу ер ости йўллари орқали олиб келинаяпти.

Исроил мудофаа вазирининг ўринбосари Матан Вильнаининг таъкидлашича, ҳужум яна икки ҳафта давом этиши мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, уруш бошлангандан буён Ғазо секторида 555 киши ҳалок бўлган, 2700 киши жароҳатланган.

ҚАРОҚЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Франциянинг ҳарбий кемаси Аден кўрфазида иккита юк кемасига ҳужум қилган, 19 нафар сомалилик қароқчиларни қўлга олди. Бу ҳақда мамлакат президенти маъмурияти вакилининг баёнотига асосланиб, AFP хабар тарқатди.

Баёнотда Франциянинг «Жан де Вьен» фрегати Хорватия ва Панама юк кемаларини босқинчилар ҳужумидан асраб қолгани айтилган. Шу билан бирга, қароқчилардан кўплаб қурол-яроғ ҳам тортиб олинган. Қароқчилар Сомали ҳукуматига топширилади.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йил давомида сомалилик қароқчилар 120 марта турли юк ва йўловчи кемаларга ҳужум уюштириб, 35 та кемани гаровга олган. Сўнгги хабарларга қараганда

кеча қароқчилар Франциянинг «Бурбон Леда» кемасини гаровга олишган.

МАРОСИМДАГИ ФОЖИА

Қуйидаги фожиали хабарни Reuters ахборот агентлиги мухбири тарқатди. Унда айтилишича, Бағдод шимолидаги Кадамия туманида камикадзе аёл шиаларнинг диний маросимида ўзини портлатиб юборган. Натижада 38 нафар киши ҳалок бўлган, 65 киши турли даражада тан жароҳати олган.

CNN хабарида айтилишича, ҳалок бўлганлар орасида кўплаб эронликлар ҳам бор. Улар диний маросимга келишган эди. Шу туманда ўтган ҳафта ҳам террорчилик акти амалга оширилган ва 20 нафар одам ҳалок бўлиб, 50 киши жароҳатланганди.

ИШ БОШЛАМАЙ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

АҚШнинг янги сайланган президенти Барак Обама томонидан савдо вазири этиб тайинланган Нью-Мексика штати губернатори Билл Ричардсон лавозимга ўтирмасдан истеъфога чиқди. Бунга Нью-Мексика штатида фаолият кўрсатган ва штат ҳукумати билан ҳамкорлик қилган компания устидан текширув бошлангани сабаб бўлди. Ричардсон аризасида ўзини сенатга тасдиқлаш учун тақдим этилаётган номзодлар рўйхатидан чиқаришни илтимос қилган.

Обама ўз навбатида воқеадан таассуфда эканлигини билдирди ва текширув тугаши билан, албатта, Ричардсонни Оқ уй маъмуриятига ишга жалб этишини айтди.

Билл Ричардсон 1997-1998 йилларда АҚШнинг БМТдаги вакили, 1998-2001 йилларда мамлакат энергетика вазири бўлиб ишлаган.

МУХБИРЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

2008 йилнинг 26 ноябрь куни сомалилик қароқчилар испаниялик фотомухбир Хосе Сендон ва британиялик мухбир Колин Фрименни гаровга олишган эди. Кеча улар озод этилди. Ҳозир журналистлар Босассодаги меҳмонхоналардан бирида турибди. AFP хабарида журналистлар қандай озод этилгани айтилмаган. Журналистлар қароқчилар ҳақида материал тўплаш учун Сомалига боришганди. Улар билан бирга икки нафар маҳал-

лий журналистлар ҳам гаровга олинган, лекин уларнинг тақдири ҳозирча номаълум.

Матбуот хабарларига қараганда, ўтган йилнинг августида гаровга олинган австралиялик ва канадалик журналистлар ҳозиргача қароқчилар қўлида ушлаб турилибди.

ГАЛЕРЕЯДАГИ ЎҒИРЛИК

Берлиндаги Fasanengalerie суратлар галереясидан 25 та картина ва кўплаб ҳайкаллар ўғирлаб кетилган. Бу ҳақда хабар берган Radio Berlin-Brandenburg мухбирининг қайд этишича, ўғирланган суратлар орасида рассомлар Пикассо, Матисса, Жорж Брака ва ҳайкалтарош Ричард Хесса асарлари бор.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, олиб кетилган асарларнинг умумий нархи 180 минг евродан ошиқроқ. Лекин бу ердаги ҳамма картиналар ва суратлар баҳоланмаган эди. Шунинг учун уларнинг нархи анча баланд бўлиши ҳам мумкин.

Жиноятчилар галерея бино-

сига яширинча эшикдан киришган ва асарларни олиб яна шу эшикдан чиқиб кетишган.

АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИДА ИНҚИРОЗ

Ford концерни иқтисодчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2008 йилнинг декабрида 2007 йилнинг декабрига қараганда 35 фоиз кам автомобиль сотилган. Уларнинг тахминича, 2009 йилнинг дастлабки ойларида ҳам сотувнинг камайиш тенденцияси давом этади.

Умуман, 2008 йил давомида уч миллионтадан камроқ Ford русумли машина сотилган. Бу 2007 йилдагидан анча камдир. Автомобилга бунчалик талабнинг камайиши айтишларича, бундан 35 йил бурун 1974 йилги ёнилғи инқирози даврида қайд этилганди.

Иқтисодий инқироз туфайли ўтган йилда фақат Fordга эмас, бошқа машиналарга ҳам талаб камайган. Масалан, АҚШда ўтган йили жами 13 миллиондан кўпроқ автомобиль сотилган. 2007 йилда бу кўрсаткич 16,2 миллионни ташкил этганди.

БАХТИ БОР ЭКАН

Австралиялик экстремал спортчи Мельбурундаги баландлиги 60 метрлик EJ Whitten EJ Whitten кўпригидан сакраб тан жароҳати олди. AFP хабарида айтилишича, сакраш пайтида спортчининг парашюти очилмай қолган ва у ерга қулаб тушган. Бахтли тасодиф туфайли экстремал спортчи омон қолган.

Врачларнинг таъкидлашича, анча йиллардан бери ушбу спорт тури билан шуғулланиб юрган бу спортчининг елкаси ва болдири синган.

ҚУРОЛ СОТИБ БОЙИМОҚДА

Жанубий Корея Республикаси ўтган йили чет давлатларга 1,03 миллиард АҚШ долларлик қурол-яроғ ва ҳарбий техника сотди. Бу мамлакат тарихида қурол экспорти бўйича энг юқори кўрсаткичдир. Солиштириб кўриш учун шуни айтиш мумкинки, расмий Сеул хорижга 2006 йилда 250 миллион долларлик, 2007 йилда эса 844 миллион долларлик қурол етказиб берган.

Таъкидлаш жоизки, бугун Жанубий Корея ҳарбий қурол-аслаҳасига Миср, Туркия, Перу каби, жами 58 давлат харидор. 2006 йил январида махсус мудофаа дастури қабул қилингандан сўнг мамлакатда қурол ишлаб чиқариш ривожланиб кетди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, қурол сотиш бўйича ҳамон АҚШ дунёда олдинда бораяпти. Оқ уй 2007 йилда хорижга 24,8 миллиард долларлик қурол сотган. Бу кўрсаткич бўйича иккинчи ўринни Россия (10,4 миллиард долларлик) ва учинчи ўринни

Буюк Британия (9,8 миллиард долларлик) эгаллаб турибди.

Россия — Украина: газ можаролари



(Бошланиши 1-бетда.)

Кеча кечқурун ЕИга аъзо мамлакатларнинг Брюсселдаги вакиллари тўпланиб Россия ва Украина ўртасидаги газ можаросини муҳокама қилишди. Чунки шу можаро туфайли 2008 йил бошидан буён қитъанинг айрим мамлакатларига газ режадагидан оз етиб келаяпти. Масалан, шу йилнинг 2 январь куни Руминияга келаётган газ 30 фоизга, Венгрияга келаётган газ 25 фоизга, Польшага келаётган газ 6 фоизга қисқарган. Шунингдек, Болтиқбўйи мамлакатлари ва Греция ҳам шартномадагидан кам газ олишган. "Газпром" вакилининг таъкидлашича, Украина ўз ҳудудидан ўтаётган транзит газни ўғирлаб қолаяпти. 4 январгача 25 миллион кубометр газ ўзлаштирган.

Расмий Киев бу даъволарни рад этди. Украинанинг «Нафтогаз» акционерлик компанияси раҳбарларининг айтишича, "Газпром" газни шартномадагидан кам жўнатаяпти. Нима бўлганда ҳам, Европага газ нисбатан кам етиб бораётгани ҳақиқат.

Хўш, нима учун икки славян давлати ўртасида газ можароси келиб чикди? Албатта, бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчи сабаб, Украина ноябрь ва декабрь ойида истеъмол қилган гази учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаган. Натижада жарималари билан қарз микдори кўпайиб кетди. Гарчи «Нафтогаз» ўтган йилнинг охирида қарзини тўлаган бўлса-да, 600 миллион долларлик жаримадан қутилгани йўқ. Бундан ташқари, шу пайтгача "Газпром" ва «Нафтогаз» ўртасида 2009 йил учун шартнома ҳам тузилмади.

Бунинг учун ҳам икки томон бир-бирини айблаш билан овора. Украина тарафининг фикрича, Россия гази учун кўп пул сўраяпти. Газ нархи нефть баҳосидан келиб чиқиб белгиланар экан, бу табиий ёнилғининг баҳоси 200 доллар атрофида бўлиши керак. Шунинг учун Украина Россия газининг ҳар минг кубометрини 200-235 доллардан сотиб олишга рози. Ўтган йили шунча ҳажмдаги газни 179,5 доллардан харид қилган эди. Расмий Москва эса Украина иқтисодий инқироздан катта зарар кўрганини ҳисобга олиб, Европага етказиб берилаётганидан анча арзон, яъни 250 доллардан сотишни таклиф қилди. Киев бунга рози бўлмади. Шунинг учун шартнома ҳамон имзоланган йўқ. Шартнома йўқми, газ ҳам йўқ, дейишмоқда "Газпром"дагилар. Шунинг учун 2009 йилнинг 1 январидан Украинага газ етказиб бериш тўхтади. Россия томонининг фикрича, Киев бунга жавобан ўз ҳудудидан ўтаётган қувурдан бемалол газ ўғирлаяпти.

"Газпром" шунинг учун Стокгольм халқаро арбитраж судига мурожаат қилди. "Нафтогаз" ҳам худди шундай йўл тутди. Киев суди Россия газини Европага транзит қилиш бўйича тузилган шартномани ноқонуний деб топди. Россия божхоначилари эса мамлакатнинг олтин-валюта захираларига зарар келтираяпти деган баҳонада "Газпром"дан Украинага газ етказиб беришни кескин қисқартишни талаб қилди. Хуллас, ҳеч бир томон енгилмоқчи эмас. Баъзи мутахассислар, газ масаласи сиёсий масалага айланиб кетди, деган фикрларни билдиришяпти. Бундан эса бошқа истеъмолчилар зарар кўриши турган гап.

Россия ҳукумати раиси Владимир Путин ушбу можаронинг шарҳлар экан, газ баҳосининг ошиши фақат Москвага боғлиқ эмаслигини таъкидлади. Унинг қайд этишича, Марказий Осиё мамлакатлари шу йил бошидан ўз газини жаҳон нархларида сота бошлади. Шунинг учун газнинг асл баҳоси Россия Украинага таклиф қилаётганидан анча баланд, яъни 450 доллар атрофида туради. "Газпром" инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳар минг кубометр газ учун 250 доллар таклиф қилган.

Газ муаммосини ЕИга аъзо мамлакатларнинг Брюсселдаги вакилларидан ташқари, 9 январь куни Европа Иттифоқининг газ бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳи ҳам кўриб чиқади. Унда Россия ва Украина вакиллари иштирок этади.

ЕИга раислик қилаётган Чехия давлати бош вазири ўринбосари Александр Вондранинг таъкидлашича, кўҳна қитъа вакиллари можарога аралашмоқчи эмас. "Биз икки томон ўртасидаги шартнома деталларидан хабардор эмасмиз. Шунинг учун можарони Россия ва Украина ҳал этиши керак", деди у.

Сўнгги маълумотларга қараганда, "Газпром" Украинага газ учун янги баҳо билдирган. Бу ҳар минг кубометр газ учун 450 долларни ташкил этади. 250 долларга рози бўлмаган Киев ҳеч қачон бунга рози бўлмаслиги эса барчага аён.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Муборак туман ҳокимлиги

барча юртдошларимизни

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

билан қизғин табриклайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли қишлоқ хўжалиги соҳаси юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Буни ўтган йилларда қўлга киритилган салмоқли ютуқлар ҳам яққол исботлаб турибди. Дастурхонимиз баракаси қишлоқ кишиларининг тадбиркорлигига, ғайрат ва шижоатига боғлиқ. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ, яратувчилик иштиёқини тилаб қоламиз.

2009



«Навоий полиграфсервис»

ишлаб чиқариш тижорат корхонаси жамоаси

ватандошларимизни Янги — 2009 йил билан самимий муборакбод этади.

Энг эзгу орзу-ниятларингизнинг амалга ошишига тилакдошмиз!



Муборак туман тиббиёт бирлашмаси аҳли

халқимизни Янги йил айёми билан қутлайди. Барчага чексиз қувончу шодликлар ила кириб келган — 2009 йил омадли ва баракали йил бўлсин. Юртдошларимиз ҳамиша соғ-саломат бўлсинлар.

"Урганч ёғ"

очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни

Янги — 2009 йил

билан чин қалбдан табриклайди. Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳар бир хонадонга фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин.

2009

МАЪНАВИЯТ

ИЛДИЗ

Халқ эпоси ўзлигимиз ибтидоси



Яқинда бир ўртоғим мендан қимоб нима деб сўраб қолди. Рости ҳайрон бўлдим. Негаки, бу сўзни олдин сираям эшитмагандим. Кейин дугонамнинг ўзи айтди: "Қимоб бу бирор шахснинг кулгуга қолган ёки "нозик" сири маъносида қўлланилади. Масалан, эртаклардаги жодугар кампирларнинг "қимоб"и (жони) тухум ичида бўлади. Бу сўз Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ҳозир ҳам кишига уялишга мажбур қиладиган нарсани эслатиш маъносида ишлатилади. Бу сўз тилимизга халқ оғзаки ижодидан ўтган".

Дарҳақиқат, ҳар қандай санъат ва адабиётнинг ибтидоси, ҳаётимиз қудрати манбаининг бир ирмоғи бўлган ҳамда илдизи ўн минг йилликларга бориб тақалувчи халқ оғзаки ижодини ўрганиш биз ёшлар учун фарз. Халқ яратган оғзаки бадиий адабиёт ёзув ва ёзма адабиёт вужудга келишидан кўп замонлар илгари пайдо бўлиб, ёзма адабиётнинг вужудга келишига замин ҳозирлаган. Ижодкор халқ ўзининг энг ноёб асарларини сўз мўъжизаси билан бунёдга келтирган. Ота-боболаримиздан мерос қолган бу хазинада мақол, достон, эртак, топишмоқ, аския, қўшиқ, лапар каби қиймати бебаҳо бойликлар бор.

Кўпгина буюк сўз усталари — санъаткорларнинг халқ оғзаки ижодини ўрганишга, унинг тарбиявий жиҳатларидан ўрнак олишга даъват этиши ҳам бежиз эмас. Негаки, уларда, аввало, элимизнинг урф-одати, табиат ва жамият ҳодисаларига бўлган муносабати, бахтли ҳаёт ҳақидаги ширин орзу-умидлари акс эттирилган. Улар аждодларимизнинг биз авлодларга айтган "жонли" сўзларидир.

Алпомиш, Гўрўғли, Қирққиз, Нурали, Авазбек, Юнуспари ва Мисқолпари каби халқ эпосларимиз, минглаб мақол, матал, эртакларимиз, лапарларимиз неча минг йилликларга бориб тақалувчи тарихимиздан сўйлайди. Уларда тарих китобимизга киритилмаган ўзлигимиз ўтмиши бор, боболаримиз, момоларимизнинг ҳаёти акс эттирилган.

Яна бир гап. Тилнинг умрбоқийлиги, чиройи ундаги сўз бойлиги билан ўлчанади. Улардаги сўз бойлигидан қанча унумли фойдалансак, расмийлашиб бораётган тилимиз ҳам ранг-баранг товланиб жило соча бошлайди, ёшларнинг эстетик савияси ошади. Мисол учун адабий тилимизга кириб келган елвизак, добонгир, қимоб каби юзлаб сўзлар халқ оғзаки ижоди бўлмиш достон ва эртакларда учрайди. Халқ эпосидаги ноёб сўзлар аввал адабиётимизга, ундан кейин эса адабий тилимизга ўтади. Адабий тилимиз халқ эпосларидан озуқа олиб турар экан, демакки ўзбек тили барҳаёт.

— Ёшликни лаҳжа чўғга ўхшатаман, — деганди устозимиз фольклоршунос олим Омонулла Мадаев. — Негаки, лаҳжа чўғ жиззаки ҳамда қайноқ бўлганлиги учун уни ўчириш қийин. Ёшлик ҳам худди шундай. Бир нарсага интилмоқчи бўлган ёшларни мақсадидан қайтариб бўлмайди. Демак, биз ўсиб келаётган ёшларни барча билимларининг ибтидоси бўлган халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлишларига кўмаклашишимиз лозим. Мақсад улар аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган улкан хазинани ҳаётга сингдирган ҳолда ватанига содиқ инсон бўлиб етишсинлар.

Халқ тарихи қанчалик қадимийликка бориб тақалса, у яратган фольклор дурдоналари ҳам шунчалик қадимийдир. Бу қиёснинг ҳақиқат билан монанд эканлигини эътироф этмоқлик учун бирор-бир мақол ё маталга, эртак ёки достонга бир кўз югуртирмоқнинг ўзи кифоя.

Гулнора ЗОКИРОВА,
ЎзМУ талабаси.

ТАДҚИҚОТ

Машраб замондошларимиз талқинида

Бобораҳим Машраб ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакилларидан бири. У жозибадор, лирик ва фалсафий ғазаллари билан адолатсизликка қарши курашиб, Мовароуннаҳрнинг маънавий-ижтимоий тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкор. Машраб нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда шунингдек, Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўпгина мамлакатларида машҳур ва манзур бўлган забардаст шоир ва ҳурфикрли мутафаккирдир.

Шу боис аштархонийлар даври XVII—XVIII асрлар ижтимоий ва илмий тафаккурини Бобораҳим Машраб ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Мустабид тузум даврида Машраб ижодига бир томонлама ёндашилиб, унинг ғазалларидаги тасаввуфий жиҳатлар олиб ташланди. Машраб қаламига мансуб "Мабдаи нур", "Кимё" асарлари деярли ўрганилмади ёинки уларга бошқа ижодкор шахсларнинг асарлари деб қаралди.

Мустақиллик шарофати билан аллома ижодига бўлган муносабат буткул ўзгарди. Бугунги кунда шоир ижодини тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан холисона ўрганишга муяссар бўлдик. Хилма-хил афсона ва ривоятларда тарихий Машраб билан унга мутлақо алоқабағишлаб, беш жилдлик китобимнинг учинчи жилдини, учта монография, иккита услубий рисолани ўқувчилар ҳукмига ҳавола этдим.

Ҳар бир тадқиқотимда шоир асарларининг илмий-бадиий, фалсафий жиҳатларини методологик нуқтаи назардан таҳлил этиб, муносабат билдириб боришни бурчим деб биламан. лишдек масъулиятли ва савобли юмушларни давом эттирмоқдамиз".

Жалолиддин Юсуповнинг Машраб шахсияти, унинг мероси борасида қилган хизматларини мухтасар тилга олиб ўтмаслик адолатдан эмас. Жонкуяр олим шоир меросини чуқур ўрганиб, унинг шеърияти мағзини зукколик билан таҳ-

си бўлмаган афсонавий Машрабнинг гоҳ ижобий, гоҳ салбий сифатлари ҳақида адабиёт тарихида чигал муаммо вужудга келган. Зотан ҳақиқий Машрабни севган кенг омма, шубҳасиз, унинг сиймосига журъаткор хислат ва фазилатларига нисбат берган бўлса, унинг ўткир ва жасоратли ҳажвларидан зарба олган зодагон табақалар шоирнинг ўлимидан сўнг Машрабнинг халқ орасидаги обрўсидан ўз мақсадлари учун фойдаланишга уриниб келдилар.

Шоир ҳаёти, фаолияти, у қолдирган илмий мерос ҳақида ўз замонасида ва бугунги кунгача жуда кўп ижодкорлар, олимлар, тадқиқотчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Айниқса, мустақилликдан сўнг Машраб ҳақида олимлар унинг мураккаб ҳаёт йўли, ижоди ҳақида холисона фикрини айта олди. Шунингдек, у ҳақда тадқиқотлар кўлами кенгайди.

XX асрнинг 90-йилларида шоир ҳақида қиссалар эълон қилинган бўлса, XXI аср ўн йиллигида унинг ғазалиёти "Девон" шаклида жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Ўзим ҳам Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодиётининг илмий тадқиқотига Тадқиқотчи Дилоромхон Ҳамроеванинг фикрича, шоир ижоди билан дастлаб Европа адиблари Ҳерман Вамбери, Дитрель де Ренн, Бернер Гренер, Йоханнес Аветараннанлар шуғулланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан рус олимлари А.П.Хорошхин, В.П.Наливкин, Н.И.Веселовский, Н.Н.Пантусов, Н.С.Ликошин, В.Л.Вяткин, А.Карцев, Л.В.Дмитриева ва бошқалар машрабшунослик—шарқшунослик фанига ҳисса қўшганлар.

Машраб ҳақидаги "Қиссаи Машраб" номли ривоятларга асос бўлган қиссани шоирнинг замондошлари Пирмат Сеторий, "Тазкираи қаландарон" нақллар эса Исҳоқ Боғистоний томонидан яратилган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, филология фанлари доктори, профессор Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машраб асарлари юзага чиқишида улкан ҳисса қўшди. Шоирнинг шеърий "Девон"ини нашрга тайёрлаган Жалолиддин Юсупов китобнинг "Кириш" қисмида камтарона шундай лутф қилган: "Машрабнинг ҳаёт йўллари, бизга қолдирган бой адабий меросини тадқиқ қилиш ишлари, "Мабдаи нур" ва "Кимё" каби асарларини тўлиқ ва мукаммал ҳолда нашр қилил этиб, Машраб ҳақидаги икки йирик "Девон"га сўзбоши ва сўнгсўз ёзди.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида "Мабдаи нур"нинг 13 хил нусхаси бўлгани ҳолда, Жалолиддин Юсуповнинг шахсий кутубхонасида 19 хил варианти мавжуд. Олим Машраб асари бўлган "Мабдаи нур" ва "Кимё" асарларини қиёсан ўрганиб, уни бугунги кунда нашрга тайёрлади.

Бу фидойи ва заҳматкаш инсон ҳақида унинг устозлари Ғайбулла ас-Салом ва профессор Нажмиддин Комилов "Мехрибоним қайдасан" Машраб девони сўзбошисида: "Жалолиддин Юсупов машрабона рутбали, камтарин дарвеш йигит. У бирон-бир илмий даражага даъвогар ҳам эмас. Меҳнатидан топган даромадининг бир қисмини ва бутун бўш вақтини Машраб учун бахшида қилган. Жалолиддин фидойи тадқиқотчи, классик шеъриятнинг нозик фаҳм билимдони, шунинг баробарида ҳуснихат соҳиби, истеъдодли хаттот ҳам. Жалолиддин бу билан қаноатланмоқчи эмас", деб таърифлаганлар.

Дарҳақиқат, олим Машраб шеърларини топиш учун тинмай изланиш олиб борди ва унинг мингга яқин эълон қилинмаган шеърларини нашрга тайёрлади. Жалолиддин Юсупов хонадонида бўлиб, бир неча бор у кишининг суҳбатини олдим. Унинг қалби Машраб айтганидек: "Бошдин оёқ туташиб хирмани оташ".

"Девон"га 600 та ғазал ва турли жанрдаги Машраб асарлари кирган. Жалолиддин Юсупов унга 50 бет луғат тузган. Мароқли томони шундаки, мазкур "Девон"га шоирнинг лирик шеърлари, ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мутаббаъ, бир мусамман, бир маснавий, рубоий ва фардлар жам бўлган. Унда шоирнинг ҳали эълон қилинмаган асарлари "Мабдаи нур", "Кимё", "Қиссаи Вайсул-Қараний", "Қиссаи Меърожи Расули Акрам с.а.в." каби асарлари ҳақида маълумот берилган.

Машраб дарвешликни шоҳликдан устун қўйган шоир бўлган. Шунинг учун бир ғазалида шундай келтирилади:

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас, жандани кийдиму ўзимни дарбадар эттим.

Дарҳақиқат, Машраб сабр-тоқатли, ўзини Ҳаққа бағишлаган дарвешзот киши эди. Шоирнинг Қашқардаги пири комили, пири муршиди Офоқхожа "Машрабга озор берманглар, у Фарғона замини дардини кўтаради", деган эканлар. Машраб нафақат Фарғона заминини, бутун олам ҳасратини олишга ва улар дардини кўтаришга тайёр солиқ-тариқат тарғиботчиси ҳам бўлган:

Бу олам аҳли ичра
дилпаришон ўлмасун ҳеч ким!

Мана буюк қалб соҳибининг фалсафаси. Буни Иброҳим Ғафуров одамзотга юборилган манифест деб атаганди:

Барчалар ёнди гуноҳдин,
мен-чи, ёнмасман ҳануз!
Аё, дўзах мени куйдур,
халойиқ куймасун ҳаргиз!

Таниқли олим, ҳассос сўз устаси Иброҳим Ҳаққулнинг шундай гапи бор: "Илм олиш учун ҳам фаҳм-фаросат керак". Фаҳм-фаросат ва юксак маънавият тимсоли бўлган Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Эрниёзбек ўғли Огаҳий каби шеърият даҳолари яна қайси миллатда бор? Машраб башар фарзанди. Иброҳим Ғафуров буни кўп таъкидлаган.

Қолаверса, ҳали Машраб шеърияти бизда мукаммал ўрганилган эмас. Шоир ҳаётининг маълум даври ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Лекин Фитрату Ғафур Ғуломдан бошлаб то бугунги кундаги ёш тадқиқотчилар ўртасида Машраб туғилган юрт ва унинг мероси ҳақида ҳамон турфа мунозаралар давом этиб келмоқда. Машрабнинг отаси мулла Вали ҳезмкаш — ўтинчи бўлгани, аравада ўтин олиб келиб Наманган ва Андижонда сотгани, Наманган шаҳридаги маддоҳлик маҳалласида Машрабнинг улғайгани тасдиғини топган.

Балх ҳукмдори Маҳмудбий амрига кўра унинг Қундузда дорга осиб ўлдирилганлиги ҳам барча манбаларда бирдек аниқ кўрсатилган. Филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққул Машраб ботиний қалбининг кенглигини чуқур ифодалаб шундай ёзган: "Унга душманлик кўзи билан қараганлар, албатта, кўп бўлган. Бунга ишонмоқ керак. Лекин Машрабнинг ғаниимлик кайфиятларини кўтариб юрганлигига инонмоқ қийин". Машрабни шундай тушунмоқ керак.

Ҳа, Машраб мероси уч ярим асрдан бери бизнинг замонамизгача етиб келиб, халқимиз маънавиятининг юксалишига ва Шарқ фалсафаси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мўмин ҲОШИМХОНОВ,
доцент.

БЕШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

жамоаси

мамлакатимиз мураббийларини, ўқув даргоҳларида таълим олаётган ёшларни ҳамда барча ватандошларимизни Янги — 2009 йил билан табриклайди.

Юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган буюк ўзгаришларга ҳисса қўшаётган азиз юртдошлар, олад, бахт-саодат ҳамроҳингиз бўлсин.

ТИЛАК

Қаламингиз синмасин, Сафар!

Кейинги пайтда адабиёт оламида Сафар Кокилов деган ёш ёзувчи пайдо бўлди. У Сурхондарёнинг энг чекка Узун туманидан экан. Ҳажвий ҳикоялар машқ қилар экан. Ҳажвиямизни тебратиб турган чинорлар супраўқлоғини йиғиштириб, "истеъфога" чиққан бугунги замонда янги бир ҳажвчининг юз кўрсатгани қувончли ҳол, албатта.

Сурхондарёга йўлим тушди. Сафарни йўқлаб топдим. У шифокор экан, туман касалхонасида, "тез ёрдам"да хизмат қиларкан. Биргалашиб эски, янги нарсаларни ўқидик. Лўнда, ҳаётий, кулгили ёзилган. Бир шингил қалампир, бир шингил лутф, ҳазил аралашган. Олимларнинг гапи борки, одамнинг дастхатига қараб, унинг феъл-атворини билиш мумкин эмиш. Агар шундоқ бўлса, ёзувчининг битикларига, тилига, ижод йўриғига қараб, бемалол унинг қандай инсонлигини айтиб берса бўлади. Сафарнинг кўнгли, дарди, номаи аъмоли қувноқ ҳажвияларига кўчгандай эди. У ўқувчини қасддан кулдиришга уринмайди, ўзи эшитган, кўрган бир воқеани гўё четдан туриб ҳикоя қилиб беради. Қаҳрамонларининг ҳолати, сўзи, ҳаракати, талвасаси, хуллас, минг бир қилиғи сизда беихтиёр кулги уйғотади. Буни ҳажв оламида характер кулгиси, дейдилар. Абдулла Қодирийдек ҳажв қироли ҳам характер орқали туғилажак кулгини маъқуллаган.

Инсон умри яхши-ёмон кунлардан иборат. Бир кун заҳмат, бир кун роҳат, бир кун тўй, бир кун аза, гоҳо кулги, гоҳо кўз ёш ва ҳоказо. Лекин одамнинг бошига шундай кунлар ҳам тушадики, у ўлим билан ҳаёт орасида муаллақ қолади. Ана шундай пайтда инсоннинг кимлиги буткул аён бўлади. У ҳатто энг яқинларидан ҳам пинҳон тутиб келган "ўзлиги"ни намоён этади. Сафар Кокилов узоқ йиллар "Тез ёрдам"да ишлар экан, одамларнинг трагикомик (кулгили) ҳолатларини кузатди, кўрганларини дарҳол бадиий шаклга солиб, қоғозга кўчирди. Мен юқорида, унинг ҳикоялари ҳаётий деганимда шуни назарда тутган эдим. Ҳа, пойтахтда, шинам хонада ўтириб, ҳангома тўқиш бошқаю, қаҳрамонларнинг орасида яшаб, улар билан бир пиёла чой ичиб ижод қилиш мутлақо бошқа.

Сафар Кокиловнинг ғайрати, жонсараклиги, яхши маънодаги қайсарлиги ёқди менга. Акс ҳолда унинг ҳангомалари адабиёт аҳлининг эътиборига тушмасди. Абдулла Қаҳҳор тили билан айтганда, "Узундан нарига" ўтмасди.

Ҳойнаҳой, битта ёш қаламкашни намунча мақтайсиз, деб айтаётгандирсиз. Аввало, ширин сўз ҳаммага ёқади, шу жумладан, ёзувчи халқига ҳам. Гулнинг бошини силасанг, тезроқ ўсади, дейди халқ. Қолаверса, Сафарга айтадиган гапим ҳам йўқ эмас. Энди у қадамни кенгроқ ташлаши керак. Каттароқ ва янада пишиқроқ асарларга ўтадиган вақт етибди.

Сафар Кокилов адабиётнинг катта йўлига чиқиб олибди. Энди бу йўлда у адашмай, собитқадам билан олис-олисларга кетишига ишонаман. Буни Сафарнинг яқинда босмадан чиққан йирик бир тўплами ҳам тасдиқлаб турибди.

Дарвоқе, у яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди. Ёзувчи деган улуғ ном, машаққатли ижод йўли муборак бўлсин!

Саъдулла СИЁЕВ

Қассоб тери билан...

(Ҳажв-зил)

Денгиз балиғи билан,
Куёв қайлиғи билан,
Келин қилиғи билан,
Гўзал.
* * *
Шоир шеъри билан,
Қассоб тери билан,
Хотин эри билан
Мақтанади.
* * *
Тиламчи сўраб,
Порахўр ўраб,
Муштумзўр бураб
Топади.
* * *
Журналист ёзиб,
Кончилар қазиб,
Қиморбоз ютиб
Олади.

Нурбек РАҲИМ,
Ёзёвон тумани.

МАДАНИЯТ

ШЕЪРИЯТ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Оҳ, буюк тилсимга келтирмагил шак



НАБИРАМГА

Гарчи хосият йўқ ҳар хил иримда,
Мен сени ўйладим муқаддас Римда.

Митти бир инсонсан, жуда кичиксан,
Менинг ҳаётимга лекин шериксан.

Ўғлимнинг ўғлисан, зурриёдимсан,
Сен менинг бир заррам, мангу ёдимсан.

Бобо деганингда бобонг ёшарди,
Момо деганингда момонг ёшарди.

Бугун Римда туриб бир гап айтурман,
Исмингнинг шарҳига тағин қайтурман.

Яхши ният билан атадим: Ислом,
Йўлингни ёритгай шу ном, вассалом!

15.09.2008, Рим.

АВЛИЁЛАР

Дейдилар, қайдадир, Шамбала ёқда
Азиз авлиёлар руҳи яшармиш.
Улар қуллар эмиш бизни йироқда,
Тибет тоғларидан гоҳи ошармиш.

Гоҳида Яссавий, Нақшбанд гоҳи
Намоён бўлармиш бирор маконда.
Нечоғлик кенг эрур Аллоҳ даргоҳи,
Сиру синоат кўп вақту замонда.

Дейсан, улар руҳи кезаркан бешак,
Билмасми, то ҳануз кутмоқда халқи.
Оҳ, буюк тилсимга келтирмагил шак,
Улар ёнгинангда юрибди балки.

4.01.2009 й.

ТАСКИН

Менга мадад бер деб қистамагин, бас,
Менинг айтганимни болам ҳам қилмас.

Мени курашларга чорлама, укам,
Менинг пўписамдан қўрқмас чумчуқ ҳам.

Ва лекин урмасман ерга қадримни,
Кимдир билар балки бирор сатримни.

Тунлар ўзим билан ўзим қоламан,
Мунис юртимни деб ўйга толаман.

Йироқ келажакка ташлайман назар,
Дилимни дафъатан қувончлар безар.

Ҳозир-чи, хоҳласанг саломингни бер,
Агар хоҳламасанг... майли ўтабер.

24.10.2008 й.

Ушбу тизмаларимни
Янги йил шарофати ила
„Ҳуррият"имизга тақдим
этмоқдаман.
Арипов. 6.01.09.

БАҲС
(Ҳазил)

Икки қавм ёвлашганди азалдан-азал,
Эртаю кеч бир-бирига қўйрди тузоқ.
Ҳеч баҳона тополмагач, дейишди бир гал:
Бизнинг эшак уникидан ҳанграйди зўррок.

Эшакларнинг ўзлари ҳам туришмасди жим,
Сал бошқача кечар эди баҳслари бироқ.
Улар дерди: тенг келолмас бизларга ҳеч ким,
Бизнинг қавм у қавмдан кўра эшакроқ.

19.12.2008 й.

ИККИ ҲОЛАТ

— Сени ошиқтирди қандайин сабаб,
Шошиб келмоқдасан нимага, нечун?
— Ахир мен талпиндим меҳрингга қараб,
Сен билан рўбарў бўлмоқлик учун.

— Анави кимса-чи, кетмоқда чопиб?
Бунча ҳам безовта — нимага, нечун?
— Билсанг, у ғанимдир — бормоқда қочиб,
Сен билан рўбарў бўлмаслик учун.

26.12.2008 й.

ҚАДРИЯТ

Чавандозининг номини от чиқаради

Мустақиллигимиз туфайли халқимизнинг улоқ-кўпкари билан боғлиқ бўлган қадриятлари яна ҳаётимизга қайтиб келди. Айниқса, тоғли ҳудудларда ҳар бир хонадонда кўпкари чопадиган отларни сақлаш, унинг наслини яхшилаш имкониятини берди. Халқимизнинг мард, чапдаст, бақувват ўғлонлари орасида номдор полвонлар етишиб чиқмоқда.

— Чавандознинг номини от чиқаради, — дейди суҳбатдошим Ғаллаорол туманидаги Қангли қишлоғида яшовчи Акром Қораев. — Туманимизда парваришланиб, кўпкарида чопаётган отларнинг донғи бутун республикамизга машҳур бўлиб кетган.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг зооветеринария факультетини тамомлаб, бир неча йил турли вазифаларда ҳалол меҳнат қилган, чорвачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшган, "Дўстлик" ордени соҳиби Акром Қораевнинг ҳаёти ақлли, вафодор жонивор — от билан боғлиқлигини унинг фаолияти исботлаб турибди. У мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ от минишга, уни парваришлашга меҳр қўйди. Олий ўқув юртини тугаллаб, армия сафидан қайтгач, орзуларини амалга оширишга киришди. Жиззах туманидаги "Олтинсой" хўжалигида яшовчи номдор полвон Тоштемир чавандоз Акромдаги отга бўлган иштиёқни сезиб, уни ўз оталиғига олди.

— Отнинг ҳақиқий ишқибози экансиз, сизга ишонса бўлади. От ҳам аёлга ўхшайди, яхши одамнинг қўлига тушса яшнайди. Мана шу бияни олинг, келгуси йил май ойида қулунлайди. Биласизми, бу республика чемпиони "Қайрағоч" наслли айғирнинг авлоди. Эсингиздан чиқмасин, бияни асраб-авайланг, ёмон нафаслардан, кўзлардан асранг. Биядан соғлом қулун олиш учун уни буғозлик пайтидан эҳтиёт қилиш керак. Болалашга 2-3 ой қолганда бутунлай барча юмушлардан озод қилинг. Вақтида емишини беринг, яна қолган гапларни вилоятдаги наслчилик ишларини олиб борувчи мутахассис Талғат Сабдюшевдан сўранг.

Акром ака 80 ёшларни қоралаб қолган Талғат оғанинг таърифини илгари кўп эшитган эди. Урушдан илгари тақдир тақозоси билан Оренбургдан Жиззахга келиб қолган бошқирд-татар миллатига мансуб, Самарқанд зооветеринария техникумини тамомлаган Талғат оға йилқичилик соҳасида наслчиликни жорий этишда мактаб яратганди. Жиззах туманида отларнинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, уларни урчитиб, ирсий хусусиятларини ривожлантириш бўйича катта тажриба тўплаб, собиқ иттифоқда шуҳрат қозонганди.

...Акром ака Талғат оғага фикрини айтгач, у наслдор қорабайир отларининг китобини берди. Унда "Қайрағоч" наслли айғирнинг ҳам "тавсифнома"ни бор экан.

Тоштемир полвон айтганидай бияси келгуси йил май ойида қулунлади. Олинган қулун жуда чиройли эди, ҳадик сезса қулоқларини чимирадиган, ора-чора кишнаб қўядиган, онасининг сутига тўйса ўйноқлайдиган, баданига пашшалар қўнса терисини дириллатадиган бўлди. Бу оиланинг қувончига айланди. Пировардида у кўпкариларда солимнинг зўрини оладиган Акромнинг "жийрон от"ига айланди.

— Ана шундай, — деб ҳаёлимизни бўлиб юборади Акром Қораев. — Наслли отларни кўпкариларга, чавандозларга етказиб бераётган инсонлар кўп.

У ўзи сингари чавандозларга от парваришлаб бераётган одамларнинг номларини санай кетди. Рустам Раҳмоновнинг бўз оти, Хайрулла Аббосовнинг кўк оти, Қаршибой Давроновнинг жийрони, Мухтор Давроновнинг дев отларининг шуҳрати қўшни республикаларга ҳам машҳур.

...Қулоғимга кўпкари берилаётган тўйдаги баковулнинг титроққа солувчи овози чалингандай бўлади.

— Ай-биродарлар-ов, кўпкари бу марднинг ўйини! Совринингизни ҳалол қилиб олинг. Ғирромлик қилманг, чилвир солманг, бировнинг улоғига ёпишманг.

Отлар кишнайди, чавандозлар айқиради. Улоқни олган чавандоз маррага қараб қушдай учади... Шундай пайтларда сизнинг отингиз улоқни олса, қандай ҳолатга тушасиз. Буни от парваришлаган одамдан яхшироқ ҳеч ким ҳис қилолмаса керак.

Юртбошимиз келгуси йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилгани кўплар қатори Акром Қораевнинг ҳам кўнглига ажиб иликлик солди. Қишлоқ ҳаётининг серқирра қадриятларини кўпкари тўлдириб турганини бугун барча ҳис қилмоқда. Жаҳонга ўзларининг спортда эришаётган маҳоратлари билан машҳур бўлаётган ёшларимизнинг-да кўпкарига астойдил қизиқаётганини кўриш нақадар мароқли. Айниқса, Акром Қораевни бу туйғулар жуда қувонтиради.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Умр дафтари



Инсоннинг қадр-қиммати унинг эл-юрт учун қилган эзгу ишлари, яхши амаллари билан ўлчанади. Яхшилик унутилмайди деганлари аслида шу бўлса керак.

Талъат Солиев Қўқонда туғилиб ўсган, республикамиз пойтахтида камолга етган.

Табиийки, деярли ярим аср давомида ижод қилиб келаётган, бутун ҳаётини жаҳон сиёсати, халқаро муносабатларга бағишлаб "Ўзбекнинг шарҳловчиси" деб ном олган инсоннинг ижоди ва ижтимоий-сиёсий фаолияти замондошлари эътиборидан четда қолмади. Яқинда чоп этилган "Умрлар қоялар сингари" номли рисола айни шу самимий инсон, сермаҳсул ижодкорнинг ҳаёти тўғрисидадир.

Китобни варақлар экансиз, академик Азиз Қаюмовнинг "Ибратли умр дафтари", профессор Наим Каримовнинг "Ижоднинг юлдузли онлари", "Машъал" радиоканали муҳаррири Азиза Раҳматованинг "Ўзимнинг тутинган укам", таниқли журналистлар Саидакром Саидвалиев ва Файзи Шоҳисмоилнинг "Машҳур бўлиш осонмас" каби қатор мақолаларини ўқиш мумкин.

"Учарга ҳар қушдан пат сўрамадим", "Менинг кимлигимни эл билса бўлади" дея шарҳловчилик касбини шарафлаб, эъзозлаб, келаётган Талъат Солиевнинг ўз фаолияти даврида тўплаган ҳикматли сўзлар ҳам китобдан ўрин олган.

Ўйлаймизки, ушбу рисола дунё кезган журналистнинг "Шарҳловчининг йўли", "Умримнинг сўнмас лаҳзалари" асарлари каби кенг китобхонлар қалбидан жой олади ва қўлдан-қўлга ўтиб ўқилади.

Юнус ЗИЁДОВ,
фахрий журналист.

БИЛАСИЗМИ?

Бундан 142 йил аввал Россия ва АҚШ ўртасида даромадсиз Аляска олди-сотдиси бўйича шартнома имзоланганди. Алексей Чириков ва Витус Беринглар экспедиция давридаги (1741 йил) Аляcканинг маркази Янги Архангельск шаҳри деб номланган. Ўша пайтдаги АҚШнинг давлат котиби Уильям Стьюард ташаббуси билан бошланган савдо 1867 йилнинг 30 март куни ниҳоясига етади. Россия давлати Аляскани АҚШга 11 миллион рус рубли, яъни етти минг икки юз тилло АҚШ доллари нархида сотади. Албатта, бу битим АҚШ президенти Эндрю Джонсон даврида жуда катта қаршиликларга учраган. Хусусан, газета саҳифаларида "МОРЖЕ РОССИЯ", "Бир сандиқ муз" каби сарлавҳали бир қатор танқидий мақолалар чоп этилган. Уларнинг аксариятида — етти минг икки юз доллар (тиллода) ҳавога соврулди — деган жумлаларни ўқиш мумкин эди. Шундай бўлса-да, АҚШ Конгресида битта овоз ортиғи билан шартнома маъқулланади. Орадан 17 йил ўтиб Аляска округ, 1959 йили эса қирқ тўққизинчи штат мақомига эга бўлди. Маълумотларга қараганда, Аляскадан дастлабки 50 йил ичида 750 миллион доллар соф фойда олинган. Ҳозирги кунда Қўшма штатларнинг барча нефть, кўмир, металл бойлигининг ярми Аляска ҳиссасига тўғри келади. "Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур", деганларидек, америкаликлар ҳам бежиз бу қору музликлар қопланиб ётгувчи ўлкани сотиб олмаган эди.

Рус тилидан Гўзал МУРОДОВА таржимаси.

СПОРТ

ЁШЛАРИМИЗ ҚАТАРГА ЖЎНАБ КЕТАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Дўстлик» халқаро турнирида иштирок этиш учун бугун Қатарга жўнаб кетади. Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари мусобақанинг "А" гуруҳида Малайзия, Белорус ва Қатар терма жамоалари билан куч синашишади.

Терма жамоамиз таркибида ўтган йили Саудия Арабистони майдонларида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш медалларини қўлга киритган йигитлардан ташқари яна бир қатор ёш футболчилар ҳам бор. Чунки ушбу турнирга тайёргарлик кўриш мақсадида ташкиллаштирилган ўқув-йиғин машғулотлари давомида айрим етакчи футболчиларимиз жароҳат олишган.



Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "Дўстлик-2008" мусобақасининг бронза медалларини қўлга киритган эди.

«БУНЁДКОР» ИСПАНИЯДА

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони Тошкентнинг "Бунёдкор" футбол жамоаси янги мавсумга ҳозирлик кўриш мақсадида 4 январь куни Испанияга жўнаб кетди. Тошкентликлар Испанияда 5 январдан 15 январгача машғулот ўтказишни режалаштирган. Яна шуни айтиб ўтиш кераккки, ушбу давр мобайнида "Бунёдкор" футбол клуби Испаниянинг номдор жамоаларидан бири бўлган "Барселона" клуби билан ҳам ўртоқлик учрашуви ўтказишни режалаштирган.

АСОССИЗ МИШ-МИШЛАР

Кейинги пайтларда тарқалган гап-сўзларга қараганда, Наманганнинг «Навбаҳор» футбол клуби очиқ акционерлик жамиятига айлантирилар эмиш. Шунингдек, россиялик миллиардер Алишер Усмонов ва халқимизнинг севимли актёри Ёдгор Саъдиевлардан бири жамоани аллақачон сотиб олишга улгурган. Қолаверса, бугунги кунда «Навбаҳор» футбол жамоасининг етакчиси бўлган Шуҳрат Мирхолдиршоев жамоадан кетаётгани тўғрисидаги хабарлар ҳам авжига чиқди.

Бу ҳақда клуб раиси Мухтор Усмонов www.euro-futbol.uz сайтига берган интервьюсида шундай дейди: "Тўғриси, клуб раиси сифатида бундай гап-сўзлардан умуман хабарим йўқ. Ҳайронман, олди-қочди хабарлар қаёқдан пайдо бўлади? Шуҳрат Мирхолдиршоев ҳақида гапирадиган бўлсам, унинг «Навбаҳор» жамоасидан кетиши аниқ. Аммо у янги мавсумни қайси жамоада бошлашини билмайман.

ИШТАҲАСИ КАРНАЙ

Белоруслик машҳур чарм қўлқоп устаси Андрей Арловский тез орада Golden Boy Promotions компанияси билан шартнома тузиб, шу йилнинг бошидаёқ рингга чиқишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда www.allboxing.ru сайти ахборот тарқатган. Жорий йилнинг 24 январида эса ташкиллаштириладиган «Affliction: Day of Reckoning» турнирида 32 ёшли боксчи мутахассислар томонидан UFC йўналишининг ўта оғир вазнида энг кучли ҳисобланаётган россиялик Фёдор Емельяненкога қарши жанг олиб боради. Ундан кейин эса белорус спортчиси WBA йўналиши чемпиони Николай Валуевга қарши рингга чиқиши мумкин. Бу гапни боксчининг мураббийи Фредд Роуч журналистлар билан мулоқот чоғида айтиб ўтган.

АВТОҲАЛОКАТ ОҚИБАТИДА ДУНЁДАН КЎЗ ЮМДИ

Якшанба куни Тринадад ва Тобагонинг Порт-оф-Спейн шаҳридаги марказий шифохонада биринчи ўрта оғир вазнда жаҳон чемпиони ҳисобланган 21 ёшли аёл боксчи Жизель Саланди вафот этди. Маҳаллий полициянинг берган баёнотига кўра, спортчи ўша куни эрталаб Toyota Yaris русумли шахсий машинасида йўл четидаги бетон симёғочга бориб урилган ва оғир жароҳат олган.

Жизель Саланди ўзининг вазнида жаҳонда энг кучли боксчи аёллардан бири ҳисобланарди. У ушбу спорт тури билан 11 ёшидан бошлаб шуғулланган ҳамда профессионал рингда дастлабки жангини 13 ёшида ўтказган. Мазкур жангда у бўлажак жаҳон чемпиони Риа Рамнаринени мағлуб этади. Шунингдек, Жизель Саланди 19 ёшида биринчи енгил вазнда WBC ва WBA йўналишлари камарини қўлга киритган. Қисқаси, мазкур спортчи фаолияти давомида профессионал боксда жами 17 та жанг ўтказиб, уларнинг ҳаммасида ғалаба қозонган.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-23-13, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.55

® — тижорат белгиси.

Адади: 16407 Буюртма — Г-55 2345678